БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ, ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (529)

21 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиийн.

Кеча КПСС XX с'ездининг кечки мажлисида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ П. Г. Москатовнинг КПСС Марказий Ревизия Комиссияси ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар тамом бўлди.

Бугун с'езд ўз ишини давом этдиради.

Илҳомлантиручи ва етакчилик қилучи улуғ куч

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг XX с'ездига ижодий кучлари, қудратли ғайрати ва буюк иродаси ғоят ўсган ҳолда, ўз Марказий Комитети тевараги-га маҳкам жипслашган ҳолда келди. КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Н. С. Хрушчев қилган ҳисобот докладида партиямизнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасидаги муваффақиятлари ҳартомонлама ва чуқур анализ қилиб берилди.

Совет халқи КПСС нинг XIX с'езди блан XX с'езди ўртасидаги даврда Коммунистик партия раҳбарлиги остида мамлакатнинг социалистик тараққиёти соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди. Совет ижтимоий ва давлат тузумининг, халқ ма'навий-сиёсий бирлигининг янада мустаҳкамланганлиги — партия ишларининг энг муҳим якунларидан биридир.

Партия Совет давлатининг куч-қудратини янада ошириш учун, социалистик экономика ва маданиятни янада юксалтириш учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун курашда омма блан ўз алоқаларини янада кўпроқ кенгайтирди, халқ блан янада кўпроқ иноқлашиб кетди. Бутун совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно ташқи ва ички сиёсатини якдиллик блан қўллаб-қувватламоқда.

Коммунистик партия ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан янада кўпроқ мустаҳкамланди, Коммунистик партиянинг давлат қурилишидаги, мамлакатнинг бутун сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётидаги роли янада ўсди. Коммунистик партия ҳарқачонгидан кўра кўпроқ бирлашган ва монолитдир. Партиямизнинг ленинча бирлиги йиллар ва ўн йиллар мобайнида чиниқди. Бу бирлик троцкийчиларга, бухаринчиларга, буржуа милиатчиларига қарши ва халқнинг бошқа энг ёвуз душманларига қарши, капитализм реставрацияси тарафдорларига қарши курашда ўсди ва мустаҳкамланди. Бутун совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги, марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам принципларидан партия сафларидаги ва партиянинг раҳбар ядросидаги ленинча бирлик учун асосдир. Партия ҳаётининг Ленин томонидан ишлаб чиқилган нормаларининг қайтадан тикланганлиги ва дастлаббал раҳбарликдаги коллективчилик принципининг қайтадан тикланганлиги партия сафларини жипслаштиришга ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг сўнгги йиллардаги бутун фаолияти марксча-ленинча та'лимотнинг улуғ кучига таянучи коллектив раҳбарликнинг, коллективдоликнинг намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Партия Марказий Комитети партия раҳбарлигининг ленинча принципларини қандай амалга ошириш, бирор вазифани ҳал этган пайтда партиянинг коллектив фикрига, партиялилар оммасининг буюк сиёсий ва ташкилий тажрибасига қай йўсинда таяниб иш кўриш кераклиги намунасини кўрсатмоқда. Партиямизнинг коллектив раҳбари бўлган Марказий Комитетнинг, коллектив орган сифатида мунтазам иш кўручи КПСС Марказий Комитети Президиумининг роли ана шу асосда мислсиз юксак даражага кўтарилди. Партиянинг, бутун мамлакатнинг ҳаётидаги энг муҳим масалаларнинг ҳаммаси ана шу коллектив органнинг диққат марказида турибди.

Партия ҳаётининг ленинча принципларидан ва нормаларининг изчиллик блан амалга оширилаётганлиги, партия ички демократиясининг, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ривожлантирилаётганлиги партия ташкилотларининг сиёсий активлигини ошириб, партия ташкилотларининг меҳнаткашлар блан алоқасини мустаҳкамлаб ва оммага та'сирини кучайтирди. Партия ташкилотларининг ҳақида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, район, шаҳар, область партия конференциялари, иттифоқчи республикалар компартияларининг с'ездлари коммунистларнинг активлиги, уларнинг ўз раҳбарларига нисбатан талабчанлиги ўсганлигини ёрқин исбот этади. Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг кучларини янада кўпайтирди, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этган вақтда уларнинг жанговарлик қобилиятини оширди.

Вазифа—партия ҳаётининг ленинча нормаларига, партия раҳбарлигининг олий принципи бўлган коллективчиликка бундан буён ҳам қаттиқ риоя қилишдан иборат. Партия ички демократиясини бундан буён ҳам ривожлантириш ва шу асосда партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг ташаббусини кучайтириш ва жавобгарлигини ошириш, уларнинг омма блан алоқасини мустаҳкамлаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги камчиликларни ғадил очиб ташлаш талаб этилади.

Коммунистик қурилишнинг партия олдида, мамлакатимиз олдида турган улуғвор вазифалари партия ташкилотларининг ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишларини, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини бутун чоралар блан кучайтиришни талаб қилади.

Партия кейинги йилларда партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштириш, партия ташкилотларининг хўжалик қурилиши соҳасидаги ташкилотчилик фаолиятини тубдан яхшилаш йўлида кўп иш қилди. Лекин, шундай бўлса ҳам, бу соҳада каттакатта камчиликларимиз бор. Кўп йиллар мобайнида партияли кадрларимиз хўжалик қурилишининг амалий масалаларини ҳал этиш учун юксак жавобгарликни сезиш руҳида етарли даражада тарбияланмаганлиги шу пайтгача салбий та'сир кўрсатиб келмоқда. Бу ҳол хўжаликка раҳбарлик қилишнинг канцеляриячилик-бюрократик методлари кенг ёйилишига олиб келди. Бу ҳол шунга ҳам олиб келдики, партия ташкилотларининг кўпгина ходимлари хўжалик қурилиши соҳасида ташкилотчилик ишлари блан чинакамига шуғулланмадилар, экономикани чуқур ўрганмадилар, оммани уюштириш соҳасида жонли иш олиб бориш ўрнига кўпинча гап сотиш блан овора бўлдилар, бу ишни бепоён қоғоз лентизига ғарқ қилдилар.

Партия ўз кадрларидан партия ишларини хўжалик ишларидан ажратмасликни, хўжаликка ишнинг кўзини билиб конкрет раҳбарлик қилишни, партия органларининг хўжалик органлари ишларини бажаришига йўл қўймасликни талаб этмоқда, партия ишини хўжалик вазифаларини ҳал этиш блан маҳкам боғлаб олиб борган ҳолда оммани уюштириш ва тарбиялашга қаратишни талаб этмоқда. Партия ташкилотларининг бурчи бундан буён ҳам ташкилотчилик ишларини бутун чоралар блан кучайтиришдан, бу ишларни коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларини ҳал этишга қаратишдан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг етакчи соҳаларига тобора ишчанлик блан, конкрет ва оператив раҳбарлик қилишдан иборат.

Партия ва давлат раҳбарлигининг ҳал қилучи кучи бўлган кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш соҳасидаги ишларни яхшилаш зарур. Бошқариш ва хўжаликни юргизиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган касаба союзларинг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш, шонли совет ёшларимизнинг оммавий тарбия ташкилоти бўлган Ленин комсомолининг ролини кучайтириш керак.

Партия кейинги йилларда идеология ишларини, коммунистларни марксча-ленинча тарбиялаш ва меҳнаткашларнинг сиёсий онгини ўстириш учун кўп иш қилди. Марксизм-ленинизмдан ҳарқандай чекинишга қарши кураш бу соҳада жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аммо эришилган муваффақиятларга қарамай, идеология ишларининг аҳволи умуман бизни қаноатлантираолмайди.

Коммунистик қурилишнинг кўпайган вазифалари идеология ишларини бутун чоралар блан кучайтиришни, ҳаёт блан алоқани мустаҳкамлашни, бу ишларни хўжалик қурилиши практикасига қаратишни талаб қилмоқда. Идеология ишларига бепарво қарашларга қарши, марксча-ленинча назарияни ўрганиш ва уни тобора ишлаб боришга бепарво қарашларга қарши кураш олиб бориш блан бирга, биз назарияга догматиклар, турмушдан ажралган кишилар кўзи блан қарайолмаймиз. Практикадан ажралган назария ўликдир, назария блан ойиғлаштирилмаган практика эса кўрдир. Партия пропагандаси, бутун идеология ишлари ҳаёт блан маҳкам боғлаб олиб борилиши, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириши, салбий ҳодисаларга қарши актив кураш олиб бориши, хўжалик вазифаларини амалий равишда ҳал этишга ёрдам бериши, социалистик экономиканинг гуллаб-яшнашини ва мамлакатимиз халқаро позицияларининг янада мустаҳкамланишини та'минлаши лозим. Бу эса ҳозирги вақтда бутун идеология ишларимизда асосий нарсадир.

Партия ташкилотлари коммунистларнинг партия назарияси ва тарихий тажрибасини ижодий равишда ўрганишларини та'минлаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишлари лозим. Идеология ишида хуш'ёрликни ошириш, бизга ёт бўлган буржуа идеологиясига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш керак. Ғоявий та'сир кўрсатишнинг барча воситаларидан — пропаганда, агитация, матбуот, радио, маданий-оқартув ташкилотлари ва муассасалари, фан, адабиёт ва сан'атдан ана шу мақсадлар йўлида тўлароқ ва активроқ фойдаланиш керак.

Ҳозирги шароитда коммунистларни, барча кадрларимизни марксча-ленинча иқтисодий назария блан, саноат ва қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикасини билиш блан қуроллантириш айниқса муҳимдир. Эндиликда бусиз хўжалик қурилишига муваффақиятли раҳбарлик қилиш мумкин эмаслигини эсда тутиш лозим.

Коммунистик партия — замонамизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир. Совет халқи Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида буюк муваффақиятларга эришди. Совет давлатининг қудрати, унинг мустаҳкамлиги ва ҳаётийлиги партиянинг ўзгартиручилик фаолияти блан чамбарчас боғланган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг фидокорона ишлари блан, халққа астойдил қилаётган хизмати блан мамлакатимизнинг меҳнаткашлари ўртасидагина эмас, балки халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида, Ғарб ва Шарқдаги халқ оммаси орасида ҳам зўр обрў қозонди. Бизнинг партиямиз ўз сиёсати блан дун'ёдаги воқиаларнинг бутун жараёнига жуда катта та'сир кўрсатмоқда.

Марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш улуғ та'лимоти блан, омма ўртасидаги сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг буюк тажрибаси блан қуроллангган, Марказий Комитет тевараги-га маҳкам жипслашган Коммунистик партия истиқболга дадил назар солмоқда, мамлакатни коммунизмнинг тўла тантанаси сари бошлаб бормоқда.

Марксизм-ленинизмнинг дун'ёни ўзгартиручи та'лимоти байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари, олға!

(«ПРАВДА»нинг 20 февральдаги бошмақоласи).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

С'ЕЗД КУНДАЛИГИ

18 февраль эрталабки мажлис

18 февраль эрталабки мажлис ўртоқ **Б. Ғафуров** раислигида очилди. Мажлисда КПСС Марказий Комитети ва Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом этди.

Ўртоқ **И. Г. Кэбин** (Эстония партия ташкилоти) ўз сўзида айтдики, КПСС Марказий Комитети партиянинг оғир индустрияни устун даражада ривожлантиришга ва оғир индустрия базасида мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришни та'минлашга қаратилган ленинча бош йўлини қат'ий равишда амалга ошириб келди. Мамлакатимиз халқ хўжалигидаги энг жиддий ва муҳим участка бўлган қишлоқ хўжалигига катта э'тибор берилди. Кейинги икки йил ичида қишлоқ хўжалигига кўп моддий ресурслар юборилди; уни кадрлар блан мустаҳкамлаш соҳасида жиддий тадбирлар кўрилди. КПСС Марказий Комитети ва Ҳукумат иттифоқчи республикаларга, жумладан, Эстония республикасига қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларини ҳал этишда ёрдам бердилар.

Сўнгра ўртоқ Кэбин колхозларни яхши ташкилотчи кадрлар ва хўжалик ходимлари кадрлари блан мустаҳкамлаш соҳасидан Эстония Коммунистик партияси томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида, бу тадбирлар натижасида меҳнатнинг ташкил қилиниши яхшиланганлиги, колхозчиларнинг меҳнат активлиги ўсганлиги, 1955 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Ўртоқ **Анвар Хўжа** минбарга чиқади. Делегатлар ва меҳмонлар уни самимий кутиб оладилар.

— Албания меҳнат партияси ва бутун албан халқи, — дейди у, — шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездига ва қардош совет халқига энг отаашин революцион салом айтишни делегациямизга топширдилар. Албан халқи ўз озодлиги учун қаҳрамонона курашди, асрлар бўйи давом этган қулликдан қутилди ва марксизм-ленинизмнинг ғолиб идеяларига амал қилиб ҳамда улуғ Совет Иттифоқининг Коммунистик партияси ва халқлари бераётган ёрдамга таяниб ҳозирги вақтда социализм қурмоқда.

Биз, деди Анвар Хўжа, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездини ўзимиз учун катта мактаб деб ҳисоблаймиз. Биз ўртоқ Хрушчевнинг докладини зўр э'тибор ва завқ блан тингладик. Улуғ Совет Иттифоқи блан боғланган социалистик лагерь мамлакатларининг халқлари мамлакатингизнинг олтинчи бешйиллик планини коммунизмга олиб борадиган порлоқ йўлдан ишонч блан олға бориш дебгўна эмас, шу блан бирга мамлакатларимизни ҳартомонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига қўшилган ғоят катта ҳисса деб ҳам биладилар. Совет Иттифоқи бутун дун'ёга жуда катта та'сир ўтказучи қудратли тинчликсевар кучдир.

Ўртоқ Анвар Хўжа Албанияда халқ-демократик тузум ўрнатилганидан бери ҳамда помеличик ва капиталистлар ҳокимияти тугатилганидан бери ўтган вақт ичида юз берган катта ўзгаришлар тўғрисида сўзлаб берди. Албанияда янги техника кадрлари ва ҳозирги замон саноати вужудга келтирилди. Янги гидроэлектростанциялар қурилди ва қурилмоқда, ботқоқликлар қуритилмоқда, ишланадиган ер майдонлари кенгайтирилмоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилмоқда. Бизнинг деҳқонларимиз, дейди Анвар Хўжа, коллективлаштириш йўлидан ишонч блан бормоқдалар. Халқимизнинг кечаги орзулари унинг қарамонона меҳнати туфайли, Совет Иттифоқининг ва халқ демократияси мамлакатларининг ёрдами туфайли бугун рўёбга чиқди. Биз биринчи бешйиллик планимизни муваффақият блан бажардик. 1945 йилда аҳолининг 80 процентидан кўпи саводсиз эди, эндиликда эса бизда ёши 40 гача бўлган аҳоли ўртасида саводсизлик тугатилди.

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, — деди ўз нутқининг охирида Анвар Хўжа, — бизга та'лим беручи жонажон онамиздир, бутун дун'ёдаги коммунистик ва ишчи партияларининг йўлини ёритиб туручи маш'алдир, у—қуёш нуридир ва биз улуғ Ленин партиясига бўлган муҳаббатимизни кўз қорачиғидай сақлаймиз. Совет Иттифоқидаги қадрли ўртоқлар, бизнинг халқимиз мамлакатимизга кўрсатилаётган чексиз ёрдам учун абадий миннатдор бўлади!

Ўртоқ **Цой Ен Ген** сўзга чиқади. С'езд қатнашчилари уни давомли қарсаклар блан кутиб оладилар.

У Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг топшириғига мувофиқ КПСС XX с'ездига, Совет Иттифоқининг барча коммунистларига ва бутун совет халқига қизғин салом топширади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди, дейди ўртоқ Цой Ен Ген, совет халқининг ҳаётидагина эмас, шу блан бирга, бутун прогрессив инсониятнинг ҳаётида ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлган янги улуғ воқиадир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқи эришган тарихий ғалабалар, — бутун дун'ёдаги оддий кишиларнинг ажойиб орзулари ва умидларини рўёбга чиқаришдир.

Ўзининг қаҳрамон қуролли кучлари блан корейс халқини япон империализмининг зулмидан озод қилган улуғ совет халқи корейс халқига янги ҳаёт қуришда ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда корейс халқи улуғ совет халқидан ғоят катта ёрдам олиб, шунингдек Ҳитой ва халқ демократияси мамлакатлари халқларидан қардошларча ёрдам олиб, уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини тезроқ тиклаш учун, республиканинг шимолий қисмида социализм асосларини қуриш учун курашга отланди.

Бизнинг ватанимиз, деб давом этади Цой Ен Ген, ҳали бирлаштирилгани йўқ ва миллатимиз сун'ий равишда ажратилган ҳолда қолиб келмоқда. Америка империалистлари ва хоин Ли Син Ман тўдаси ватанимизнинг тинч йўл блан бирлаштирилишига қарши чиқиб, агрессив уруш чиқариш сиёсатини давом этдирмоқдалар. Корея Меҳнат партиясининг ва корейс халқининг ўз ватанини бирлаштириш ва ўз ватанининг миллий мустақиллигини қўлга олиб бораётган кураши оғир курашдир, бу курашда кўп қийинчиликлар ва тўсқинликлар бор. Бироқ, бу ҳол корейс халқининг ғалабага бўлган ишончини бўшаштираолмайди ва жанговар руҳини бузаолмайди.

Ўртоқ Цой Ен Ген ўз нутқининг охирида бундай деди:

— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тўплаган бой тажриба бошқа коммунистик ва ишчи партиялар сингари Корея Меҳнат партияси учун ҳам қиммати қўлланмадир. КПСС XX с'ездининг қарорлари партиямиз томонидан чуқур ўрганилади ва бутун фаолиятимизда ижодий ифодасини топади.

Сўнгра ўртоқ **В. М. Молотов** сўзга чиқади. (Ўртоқ В. М. Молотов нутқи «Тошкент ҳақиқати»нинг келгуси сонида босилади).

Шундан кейин сўз ўртоқ **С. Д. Игнатьев**га (Бошқирдистон партия ташкилоти) берилади. С'ездан олдин бўлиб ўтган партия йиғилишлари, район, шаҳар ва область партия конференциялари, иттифоқчи республикалар компартияларининг с'ездлари, шунингдек меҳнаткашларнинг йиғилишлари, дейди у, бизнинг улуғ партиямиз ва бутун халқимиз XX с'ездга партия Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати тевараги-га янада маҳкам жипслашган ҳолда келганликларини кўрсатди. Партия Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати зўр ишонч блан халқнинг э'тиборини ва кучини мамлакатнинг хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида янгидан-янги муваффақиятларга эришишга сафарбар қилмоқдалар. Марказий Комитет ва ҳукумат томонидан ўтказилаётган ленинча софдил ва дадил, чуқур принципиал тинчликсевар ташқи сиёсатни совет халқи якдиллик блан қўллаб-қувватламоқда. Бу сиёсат барча мамлакатлардаги халқларга Совет Иттифоқининг тинчлик учун ва халқлар ҳавфсизлиги учун ҳормай-толмай ва бегараз курашаётганлигини кўрсатиб турибди.

Нотиқ мамлакатнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида гапириб, Бошқирдистон республикасининг ҳаётидан фактлар келтиради.

Ўртоқ **Г. К. Жуков** (Москва партия ташкилоти) минбарга чиқади.

Бутун совет халқи сингари Қуролли Кучларнинг шахсий состави ҳам, дейди у, XX с'ездга ўз жонажон Коммунистик партияси теварагига маҳкам жипслашган ҳолда келди. Совет жангчилари ўз халқига чексиз содиқлирлар ва севикли Ватанни ҳимоя қилишда ўзларининг жанговар бурчларини шараф блан ва муносиб равишда бажаришга доим тайёрдирлар.

Бизнинг партиямиз ва ҳукуматимиз, дейди у, тинчликни сақлаш, халқлар ўртасида ишончни ва дўстликни мустаҳкамлаш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Мудофаа министрлиги Совет Ҳукуматининг СССР Қуролли Кучлари сонини 640 минг киши миқдорида камайтириш тўғрисидаги қарорини тўла равишда ва белгиланган муддатда бажарди. Шу блан бирга ҳукумат 1956 йилда харбий харажатларни қарийб 10 миллиард сўм миқдорида камайтирди. Порт-Артур ва Порккала-Уд харбий базаларидаги қўшинлар олиб кетилди. Бу қўшинлар бошқа қисмларга қўшиб юборилди. Халқ демократияси мамлакатлари — Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария ва Албания ҳам Совет Иттифоқидан намуна олиб, ўз қуролли кучларини 180 минг киши миқдорида камайтирдилар. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатиб турибдики, Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари халқаро кескинликни юмшатиш учун сўзда эмас, балки амалда чоралар кўрмоқдалар.

Бироқ, дейди нотиқ, совет халқи халқаро ҳамкорлик сиёсати агрессив доираларнинг қаршилигига дуч келаётганлигини назарга олмаслиги мумкин эмас. Халқаро кескинлик бирмунча юмшаганлигига қарамай, асосий капиталистик мамлакатлар ўз қуролли кучларининг сонини камайтирганлари йўқ. Улар блокларни кенгайтириш учун, харбий бюджетларни ошириш ва янада зўр бериб қуролланиш учун янада зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Америка ва Англиядаги ҳукмрон доиралар ғарбий-герман армиясини тезроқ қуроллантириш, шу жумладан атом қуроли блан қуроллантириш учун маблағ аямаётирлар. Ғарбий Германияда агрессив кучлар янгидан вужудга келмоқда. Узоқ Шарқда япон милитаризмини қайтадан тиклаш учун ҳаракат қилинмоқда. Ўзгаларнинг территорияларида АҚШ харбий базаларининг мавжудлиги халқаро аҳволдаги кескинликнинг яна бир сабабидир. Американинг сиёсий ва харбий арболлари Американинг стратегияси атом қуролидан фойдаланишга асосланиши лозим, деган фикрни тобора кўпроқ айтмоқдалар.

Совет Иттифоқи, деб давом этади нотиқ, ҳеҳкимга таҳдид қилмайди ва ҳеҳкимга ҳужум қилмоқчи эмас. Лекин қуролли кучларни камайтириш ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисида ҳали битимга келинмаганлиги сабабли ҳамда мустаҳкам тинчлик учун ҳали ишончли гарантиялар йўқлиги сабабли биз Ватанимиз манфаатларини ишончли суратда ҳимоя қилаоладиган қуролли кучларни сақлаб туришга мажбурмиз, токи душманларнинг ҳеҳқандай провокацияси бизни ғафлатда қолдирмасин.

Ўртоқ Жуков айтадики, партия ва ҳукуматнинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги туфайли Совет Қуролли Кучлари тубдан қайта тузилди ва сифат жиҳатидан Улуғ Ватан урушининг охиридаги даражадан анча юқори туради. Совет Қуролли Кучлари эндиликда хилма-хил атом ва термоядро қуролига, ҳархил типдаги кучли ракета ва реактив қуролларга, шу жумладан узоққа учириладиган ракеталарга эгадирлар. Улар агрессор ҳужум қилган тақдирда ўз олдиларида вужудга келган ҳарқандай вазифани бажаришга қодир бўлган биринчи даражали ракета авиациясига эгадирлар.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз ва иттифоқчиларимизнинг армиялари, дейди сўзининг охирида ўртоқ Жуков, ўз халқларининг порлоқ истиқболи учун курашчи ва ўз халқларининг манфаатларини жонбозлик блан ҳимоя қилишга тайёр турган жангчиларнинг чинакам қардошларча ва дўстона оиласидан иборатдир. Бизнинг кучимиз ва капиталистик лагерь қуролли кучларидан устунлигимиз ҳам ана шундадир.

Ўртоқ **Н. М. Кузьмин** (Москва партия ташкилоти) бундай дейди:

— Биз ҳаммамиз ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладини зўр э'тибор блан тингладик. Бу докладда мамлакатимизнинг эришган ютуқлари аниқ-равшан акс этдирилган, оддий совет кишисининг орзу ва умидлари ифода этилган. Бизнинг «Красний пролетарий» заводимизда бундан икки кун илгари катта митинг бўлиб ўтди. Митингда ишчилар, инженерлар ва хизматчилар партия Марказий Комитетига ва Ҳукуматга мурожаат этиб, совет кишилари тўғрисида қилинаётган ғоят катта ғамхўрлик учун ташаккур изҳор қилдилар. С'езд минбарида туриб ана шу ташаккурни топширишек катта бахтга муяссар бўлдим.

Сўнгра ўртоқ Кузьмин заводларни кооперативлаштиришни ташкил этишдаги камчиликларни ва қуйиш ишидаги камчиликларни кўрсатиб ўтади.

Ўртоқ **З. Т. Сердюк** (Молдавия партия ташкилоти) айтадики, ҳисобот даврида Коммунистик партиянинг бирлиги мустаҳкамланди, партиямизнинг ва Совет давлатимизнинг коллектив раҳбари бўлган Марказий Комитетнинг ташкилотчилик роли ўсди. Марказий Комитет маҳаллий партия ташкилотларининг ишини доим йўллаб турди ва уларга энг муҳим масалаларни ҳал этишда катта ёрдам бериб келди, бу эса партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг активлигини оширишга ёрдам берди.

Ўртоқ Сердюк қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига тўхталди.

Ўртоқ **С. А. Товмасян** (Арманистон партия ташкилоти) ўз сўзида айтики, совет халқи курашда синалган ўз авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг фаолиятини ва бош йўлини қонуний ифтихор ҳислари блан ма'қуллайди.

Партиянинг ленинча миллий сиёсатини оғишмай амалга ошириш, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг миллий республикаларга қилган ғамхўрлиги ва доимий ёрдами, деб давом этдиради нотиқ, иттифоқчи республикалар экономикаси ва маданиятининг тез сур'атлар блан ўсишини та'минлади. Арманистон саноати бешинчи бешйиллик планини муддатидан илгари бажарди. Республика саноати 1940 йилдагига нисбатан қарийб беш баравар ўсди. Бешйиллик мобайнида ва айниқса кейинги икки йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — гўшт, сут, жун, сабзавот, узум, тамаки етиштириш анча кўпайди. Арман маданияти гуллаб-яшнади.

(ТАСС).

18 февраль кечки мажлис

КПСС XX с'ездининг кечки мажлиси ўртоқ **Ф. Р. Козлов** раислигида очилди. Сўз ўртоқ **О. В. Куусинен**га (Карел-Фин партия ташкилоти) берилади.

Ҳозирги вақтда, деди у, халқаро майдонда ғоят катта тарихий процесс юз бермоқда — халқ оммаси ва бутун-бутун халқлар империализм доирасидан империализмга қарши тинчлик учун кураш позицияларига ўтмоқдалар. Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси бошлиқ улуғ социалистик лагерьнинг бошқа мамлакатлардаги дўстлари, ўз ҳаётий манфаатлари туфайли партиямизнинг халқаро сиёсатига бирдам бўлган дўстлари кун сайин кўпаймоқда. Партиямизнинг бу сиёсати — догматизмдан ва доктриначиликдан холи бўлган доно ленинча сиёсатдир.

Ўртоқ Куусинен, сўнгра, совет давлатининг халқаро кескинликни, юмшатиш ва икки системанинг тинч тотув яшаши йўлидаги изчил кураши ҳақида гапиради.

Биз, дейди ўртоқ Куусинен ўзининг охирида, ҳозирги даврда урушнинг олдини олиш имкониятни тўғрисидаги масала юзасидан партиямизнинг ўртоқ Хрушчев докладида баён этиб берилган янги позициясини зўр мамнуният блан кутиб олдик. Ҳозирги вазиятга тамомила мос бўлган бу позиция тинчлик иши учун курашга ёрдам беради.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси номидан ўртоқ **Чьюнг Тинь** табрик нутқи сўзлайди. Мажлисда ҳозир бўлганлар уни самимий кутиб оладилар.

Ленин партиясининг раҳбарлиги остида Улуғ Октябрь революциясининг ғалабаси, дейди у, барча мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларидаги халқлар сингари вьетнам халқини ҳам уйготди. Улуғ Октябрь революцияси ишчилар синфига ва бутун вьетнам халқига ўз озодлиги учун ва янги ҳаёт қуриш учун кураш йўлини кўрсатиб берди. Вьетнам халқининг озодлик курашига Совет Иттифоқи, Хитой ва халқ демократияси мамлакатлари, шунингдек бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар самимий хайриҳоҳлик блан қарадилар. Ҳозирги вақтда Совет ҳукумати ва бутун совет халқи вьетнам халқига ўз экономикасини тиклаш ва маданиятини ривожлантиришда самимий ёрдам кўрсатмоқда, унинг Хинди-Хитойда тинчликни мустаҳкамлашга ва Вьетнамни бирлаштиришга қаратилган Женева битимларини аниқ бажариш учун олиб бораётган курашини актив суратда қўллаб-қувватламоқда.

Ўртоқ Чьюнг Тинь Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг КПСС XX с'ездига ёзилган ва партия раиси ўртоқ Хо Ши Мин қўл қўйган табрикномани ўқиб эшитдирди.

— Биз, — дейилади табрикномада, — вьетнам ишчилар синфи ва бутун вьетнам халқи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездига қардошларча оташин салом йўллаймиз.

Совет Иттифоқининг тинч қурилиш соҳасидаги ва халқлар ўртасидаги дўстликни ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлари марксизм-ленинизмнинг ғолибона кучини исбот этади. Бу муваффақиятлар бутун дун'ё меҳнаткашларини илҳомлантирмоқда ва уларнинг ҳарқандай эксплуатациядан озод бўлишларига ишончларини мустаҳкамламоқда, мустамлака ва қарам мамлакатларда ажнабий империалистик зулмдан озод бўлиш учун курашаётган халқларнинг кучларига куч қўшмоқда.

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ва бутун вьетнам халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди тинч, бирлашган, мустақил, демократик ва яшнаган Вьетнамни барпо этиш учун курашда вьетнам халқига янги куч бағишловчи манба' бўлишига амин бўлиб, ғоят баланд руҳ блан ўз назар-э'тиборларини бу с'ездга қаратмоқдалар.

Шундан кейин ўртоқ **Л. М. Каганович** нутқ сўзлади.

Буюк Британия Коммунистик партияси номидан ўртоқ **Г. Поллит** сўзга чиқди. С'езд қатнашчилари уни давомли қарсаклар блан кутиб олдилар. Г. Поллит, с'езд социализмнинг улуғвор ғалабаларини қайд қилаётганлиги ҳамда коммунизм сари бораётган совет халқининг ўз олдига қўяётган янада буюк мақсадлари муносабати блан табриклар топширин блан хурсандман, дейди.

Англия коммунистик партияси, деди ўртоқ Г. Поллит, ишчилар синфини жипслаштириш йўлида ва унинг ғоят катта куч-қудратидан тинчлик сиёсати ҳамда ижтимоий прогресс учун курашда фойдаланиш йўлида доим кураш олиб бормоқда. Биз аминмизки, партиямизнинг март ойида бўладиган с'езди партия ишини яхшилашда бурилиш нуқтаси бўлади ва бизнинг энг яқиндаги талабларимизни ҳам, «Британиянинг социализмга ўтиш йўли» деган программамизни ҳам янада кўпроқ киши қўллаб-қувватлайди.

Мен, — дейди Г. Поллит, — 1947 йилда «совуқ муносабатлар уруши» бошланган вақтда йирик пўлат қуйиш маркази бўлган Шеффилдда айтган сўзларимни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездида яна такрорлаб айтаман: «Англия ишчилари Совет Иттифоқига қарши урушда ҳеҳқачон қатнашмайдилар».

Биз аминмизки, дейди правардида нотиқ, Хитой Халқи блан, халқ демократияси мамлакатлари, Германия Демократик Республикаси блан биргаликда, Ҳиндистоннинг улуғ халқи блан ва капиталистик ҳамда мустамлака мамлакатларидаги ҳамма халқлар блан биргаликда Совет Иттифоқи уруш оловини ёқучиларнинг планларини барбод қилаолади ва бутун инсониятнинг энг муқаддас орзусини рўёбга чиқараолади, я'ни мустаҳкам тинчлик ўрнатаолади.

Шундан кейин, ўртоқ Титонинг Югославия Коммунистлар союзи ва Меҳнаткаш халқ социалистик союзи номидан КПСС XX с'ездига юборилган табрикномаси ўқиб эшитдирилди.

20 февральда с'езд ўз ишини давом этдиради. (ТАСС).

Кремльда четэл партияларининг вакиллари шарафига қабул маросими

19 февральда Кремльда Коммунистик партияларнинг ва бошқа қардош партияларнинг КПСС XX с'ездида қатнашаётган вакиллари шарафига қабул маросими бўлди.

Қабул маросимида қардош партияларнинг ҳамма вакиллари, с'езд Президиумининг, Секретариатининг, Редакцион ва Мандат комиссияларининг а'золари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди.

Қабул маросими вақтида катта концерт бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ П. Г. Москатовнинг КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар

Ўртоқ Г. М. МАЛЕНКОВ нутқи

Ўртоқлар! Ўртоқ Н. С. Хрушчев Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида совет халқининг XIX с'ездан кейинги даврда Коммунистик партиямизнинг сиёсатини раҳбарлигида ўтган буюк ижодий ишлари якунларини тўплади. Бу якунлар Совет Иттифоқининг халқаро ишларда ҳам, мамлакатнинг ички ҳаётида ҳам янгидан-янги муваффақиятларга эришганлигини кўрсатади.

Совет Иттифоқи халқаро соҳада Хитой Халқ Республикаси блан, барча халқ демократияси мамлакатлари блан мустаҳкам ҳамкор бўлиб, тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишда катта муваффақиятларга эришди.

Совет Иттифоқининг барча давлатлар блан алоқаларини ва тинч муносабатларни ривожлантириш соҳасида изчиллик блан амалга ошириб келаётган йўли ўтган йиллар учун характерлидир. Барча халқлар Совет Иттифоқининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб бораётганлигини кўриб турипти лар. Совет Иттифоқи ўзининг бутун ташқи сиёсатида турли ижтимоий тузумга мансуб мамлакатларнинг тинч тотув бўлиб яшашидан иборат ленинча принципига қаттиқ амал қилиб келаётганлигини жуда аниқ ва равшан исбот этиб берди. Совет Иттифоқининг тинчлик соҳасидаги ташаббуси ва изчиллик блан халқаро майдонда СССРнинг ва бутун социализм лагерининг позицияларини анча мустаҳкамлашга олиб келди.

Мамлакатнинг ички ҳаётида ўтган давр халқ хўжалигининг янада юксалганлиги ва совет кишилари моддий фаровонлигининг ўсганлиги блан характерланади. Коммунистик партия томонидан бажарилган буюк ишлар натижасида социалистик давлатимизнинг куч-қудрати ўсди, совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлиги ва Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди; совет қонунчилиги ва социалистик демократия мустаҳкамланди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз докладида тўла асос блан та'кидлаб ўтдики, ҳисобот даврида партия Марказий Комитетининг сиёсий раҳбарлиги юксак даражада бўлди, партиямиз давлат ва партия қурилишига доир масалаларни тўғри ҳал этди, мамлакатни Ленин йўлидан маҳорат блан бошлаб борди.

Партиянинг XIX с'ездидан кейинги даврда халқ хўжалиги тараққиётининг умумий якунлари СССР халқ хўжалигининг ўсиш сур'атлари капиталистик мамлакатларда сра кўрилмаган даражада давом этаётганлигини кўрсатади. Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги тўхтовсиз юксалмоқда ва бу юксалиш тинч қурилиш программасининг амалга оширилишига асосланади.

Коммунистик партия йўлбошчимиз ва устозимиз В. И. Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, Совет Иттифоқини илғор, ғоят қудратли индустриал мамлакатга айлантириш сиёсатини изчиллик блан амалга ошириб келмоқда. СССР эришган муваффақиятлар ҳақиқатан ҳам жуда каттадир. Биз бу муваффақиятларга партиямизнинг ва унинг Марказий Комитетининг халқ хўжалигидаги барча тармоқларни ривожлантириш ва совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлигини янада юксалтириш асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни бутун чоралар блан ривожлантириш тўғрисида доимо қилаётган ғамхўрлиги туфайли эришдик. Оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш йўли партиямизнинг бош йўли бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўтган йиллар учун шу нарса характерлики, халқ хўжалигининг бирқанча эрт муҳим тармоқларидаги тартибсизликларни тугатиш юзасидан конкрет тадбирлар программаси амалга оширилди, социалистик қурилишнинг барча соҳаларида техника тараққиётини та'минлаш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида жиддий тадбирларни амалга ошириш йўли тутилди. Партия социалистик деҳқончилик ва чорвачиликни тез ва ҳартомонлама юксалтириш учун ягона мақсадни кўзда тутиб, кенг миқ'ёсда кураш олиб бормоқда. Катта хатоларнинг очиб ташланганлиги ва марказда ҳам, жойларда ҳам қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг жиддий суратда яхшиланганлиги, колхозлар ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги принципининг изчиллик блан тўғри қўлланилганлиги, бу ишдаги камчиликларнинг қат'ий суратда йўқотилиши — буларнинг ҳаммаси ҳозирдаёқ ижобий натижалар бермоқда ва қишлоқ хўжалигининг қолоқлигини қисқа вақт ичида тугатиш ҳамда уни кескин суратда юксалтиришни та'минлаш учун шубҳасиз имконият туғдиради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ҳисобот докладида босиб ўтилган йўлнинг буюк аҳамиятини тўплаш блан бирга, партиямиз ва совет халқи ҳал этиши лозим бўлган жуда катта вазифаларни ҳам баён қилиб берди. Докладда коммунизмнинг моддий — техника базасини янада мустаҳкамлаш йўллари белгиланди, мамлакатимизнинг ишлабчиқаручи кучларини юксалтириш соҳасидаги асосий вазифалар олдимизга қўйилди, партиянинг совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш соҳасидаги энг муҳим тадбирлари баён қилинди. Докладда икки системанинг тинч тотув бўлиб яшаши тўғрисидаги, ҳозирги даврда урушнинг олдини олиш мумкинлиги ҳақидаги ва турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари тўғрисидаги масалалар юзасидан илгари сурилган принципиал қоидалар марксча-ленинча та'лимотга тамомила ва тўла мувофиқ бўлиб, марксизм-ленинизмни ҳозирги замоннинг яқин шароитида ижодий тарзда қўллашни ва ривожлантиришдан иборатдир.

Партиянинг ички ҳаётига келганда шуни айтиш керакки, ҳисобот даврида Марказий Комитет томонидан кўрилган муҳим тадбирларни, я'ни партия ҳаётидаги ва партия раҳбарлиги методларидаги жиддий нуқсонларни қат'ий суратда йўқотишга, В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган партия раҳбарлиги принципларини ва партия ҳаёти нормаларини пухта бажаришни та'минлашга, партия раҳбарлигининг олий принципи бўлган коллектив раҳбарлик принципига қаттиқ риоя қилишга қаратилган тадбирларни бутун партиямиз ғоят зўр мамнуният блан ма'қуллади. Бунга шак-шубҳа йўқ. Марксизм-ленинизм руҳига ёт бўлган шахсга сиғинишга қарши Марказий Комитет томонидан қат'ият блан амалга оширилган йўл ғоят принципиал ва жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага аёндир. Шахсга сиғиниш марксча-ленинча та'лимотни бузишдан иборат эканлиги ҳисобот докладида жуда тўғри кўрсатилди. Ана шундай бузишлар муқаррар равишда партиянинг ва партия раҳбар марказининг ролини пасайтиришга, партиялилар оммасининг ижодий активлигини бўғишга олиб боради. Коллектив раҳбарлик методларининг суслайтирилиши, хусусан бу методларнинг тугатилиши, шахснинг роли ҳақида марксча та'лимотнинг бузилиши, шахсга сиғиниш — буларнинг ҳаммаси айрим шахс томонидан узил-кесил қарорлар қабул қилишишга, ўзбошимчаликка олиб келди ва ма'лум даврда партияга ва мамлакатга раҳбарлик қилиш ишига катта зарар етказди.

Марказий Комитетнинг марксизм-ленинизм назариясининг илмий асосига таянучи коллектив сиёсий тажрибасининг, коллектив доҳолигининг мамлакатимизда коммунизм қурилишига тўғри раҳбарлик қилишни та'минлайди, партия сафларининг бирлигини тош-метиндек мустаҳкамлайди.

Бизнинг партиямиз ўз сафларининг жипслиги туфайли, халқ блан чамбарчас боғланганлиги туфайли кучли ва қудратлидир. Биз, ўз тузумимизнинг мустаҳкамлигига, афзаллигига ишонамиз, шу сабабдан танқид ва ўз-ўзини танқидни дадил ривожлантирмоқдамиз. Халқ манфаатлари партиямиз учун энг муҳим нарсадир. Бошқа ишларнинг ҳаммаси ана шунга бўйсундирилиши лозим. Марказий Комитетнинг хизмати шундаки, у ленинча принципларга амал қилиб, умумий ишимизнинг манфаатларини кўзлаб, хатоларни, бу хатолар ким томонидан содир бўлишидан қат'ий назар, ҳеч кимни ю з-хотир қилмай, қат'ий суратда очиб ташлайди, шундай хатоларга йўл қўйган кишиларни ҳақли суратда тўғри йўлга бошлайди.

Партиямиз сафларидаги ва унинг раҳбарлигидаги бирлик коммунизм қурилишининг тақдири учун қандай ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини дўстларимизгина эмас, балки душманларимиз ҳам тушунадилар. Совет Иттифоқининг душманлари Коммунистик партия сафларида ва унинг раҳбарлигида парокандалик бўлишини доим орзу қилиб келган эдилар. Аммо уларнинг бизнинг орамизда ихтилофлар рўй беради деб шунга умид боғлашлари ҳамиша чиппакка чиқиб келди. Ма'лумки, империалистлар партиямизнинг ва халқимизнинг энг ёвуз душмани Берияга катта умид боғлаган эдилар. Империализмнинг ана шу ашаддий агенти ва унинг шериклари нинг фош қилинганлиги партиянинг ва партия коллектив раҳбарлигининг катта ғалабаси бўлди. Партия ўз сафларини совет халқини марксизм-ленинизм байроғи остида коммунизмнинг улуғ ғалабалари сари бошлаб бораётган Марказий Комитет тевараги га, партиямизнинг раҳбар коллективи тевараги га янада маҳкам жипслаштирди.

Ленинча принципларга асосланган ва с'езд ларимизда ҳукм сураётган жинслик ва партия бирлигининг чинакам большевистик муҳити ҳозир ҳам ҳарбиримизга зўр етиклик ва буюк ишонч бағишламоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, партия ўз олдида турган вазифаларни муваффақият блан ҳал қилади ва мамлакатни ишонч блан Совет халқининг бахт-саодати учун янги ғалабаларга олиб боради. **(Узоқ давом этган қарсаклар).**

Электрлаш—меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим шарти

Ўртоқлар! СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал этиш учун ишлабчиқаришни бундан бўён ҳам ғоят кенгайтириш талаб этилади. Ишлабчиқаришнинг ана шу тахлитда кенгайтирилиши аввало меҳнат унумдорлигини кескин суратда оширишга таянишни лозим.

Ҳисобот докладида ва олтинчи бешйиллик план юзасидан с'ездга тақдим этилган Директивалар проектида партия Марказий Комитети улуғ Ленининг кўрсатмаларига тамомила мувофиқ суратда меҳнат унумдорлигини оширишга вазифаси ҳозирги вақтда ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда, деб яна ва яна та'кидламоқда. Энг тараққий этган капиталистик мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан ўзиб кетиш учун ишлабчиқаришни кўп даражада кенгайтириш ишчи кучлари сонини ошириш ҳисобига жуда оз даражада амалга оширилиши мумкин. Олтинчи бешйилликда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига саноат маҳсулотини 85 процент кўпайтириш та'минланиши лозим.

Совет Иттифоқида ишлабчиқаришни узлуксиз кенгайтириш блан бирқаторда меҳнат унумдорлигини системали равишда тез ошириш ва халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришнинг асосий воситаси ва шу блан бирга аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш нормаларини Америка Қўшма Штатларидагига нисбатан доимо оширишга эришишнинг асосий воситасидир.

Юксак меҳнат унумдорлиги учун кураш капиталистик система блан олиб бораётган тинч иқтисодий мусобақамизнинг энг муҳим мазмунидир. Ана шу мусобақа жараёнида янги социал тузумнинг афзалликлари голибона суратда рўёбга чиқиши лозим.

Социалистик лагерьнинг капиталистик лагерь блан тинч тотув бўлиб яшаши — жаҳондаги икки социал системанинг иқтисодий мусобақаси бўлиб, бу мусобақанинг натижалари оқибат натижада бутун инсониятнинг тарихий тақдирини ҳал этади. Ана шу буюк тарихий мусобақада социализмнинг галаба қозонишига бўлган қат'ий ишончимиз ишлабчиқариш воситаларининг жамоат мулкчилигига таянган ва эксплуатацияга, ирқий ҳамда синфий тенгсизликка ёт бўлган ва кенг меҳнаткашлар оммасининг эҳтиёжларини юксак даражада қондиришни та'минлай оладиган социал тузумнинг афзалликларини илмий жиҳатдан яхши англашга асосланади.

Марксизм-ленинизм та'лим бериб айтадики, социалистик хўжалик системасининг капитализмга нисбатан меҳнат унумдорлигининг юксак даражада бўлишини та'минлашга қодир эканлиги — ана шу мусобақада социализм галаба қозонишининг иқтисодий негизидир. Ленин бундай деган эди: «Социализм янги, хийли юқори меҳнат унумдорлигини яратади-ю, капитализм батамом енгилиши мумкин ва албатта батамом енгилади» (В. И. Ленин, Асарлар, 29 том, 442 бет). Ана шу ленинча та'лимотнинг бутун аҳамияти ҳозир ҳарқачонгидан кўра тўлароқ намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг хўжалиги тамомила вайрон бўлган ва меҳнат унумдорлиги ғоят паст даражага тушиб кетган бир даврда Ленин томонидан зўр жасорат блан илгари сурилган ана шу ажойиб марксистик та'лимот тамомила тўғри эканлигини тарихий тараққиётнинг бутун жараёни таслиқлади.

Биэнинг халқимиз кишилик жамияти тарихида биринчи марта Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга ошириб, социализм қурилишига киришган пайтдан буён бир асрнинг учдан бир қисмидан сал кўпроқ вақт ўтди. Бунда совет кишилари тарихан қисқа бир даврда социалистик жамият қуриш соҳасида қандай шароитда ижодий иш олиб борганликларини унутиш ярамайди. Биринчи империалистик уруш натижасида мамлакат вайрон бўлган эди. Ёш Совет республикаси 14 капиталистик давлатдан иборат интервентларга қарши қонли кураш олиб боришга мажбур этилган эди. Ана шу капиталистик давлатлар граждан урушы йилларида эски тузумни қурол кучи блан қўллаб-қувватладилар. Ана шу кураш мамлакатимизнинг халқ хўжалигини янада кўпроқ вайрон қилган эди. Ватанимизнинг тарихида энг оғир пайт бўлган иккинчи жаҳон уруши даври ҳали эсимиздан чиққани йўқ. Иккинчи жаҳон уруши вақтида фашистлар Германиясининг босқинчиларча қилган ҳужуми натижасида саноатимизга, қишлоқ хўжалигимизга, транспортимизга, хуллас бутун халқ хўжалигимизга жуда катта зарар етказилди.

Жуда ҳам ноқулай бўлган ана шундай шароитга қарамай, бизнинг янги ижтимоий тузумимиз меҳнат унумдорлигини саноат соҳасида энг илғор бўлган капиталистик мамлакатларга нисбатан тез сур'атлар блан ривожлантиришни та'минлаш қобилиятига эга эканлигини кўрсатди. Ҳозирги вақтда СССРда меҳнат унумдорлиги 1913 йилдаги даражадан 8 баравар ортиқдир. Ана шу даврда Америка Қўшма Штатларида меҳнат унумдорлиги 2,2 баравар, Англияда 1,4 баравар, Францияда 1,75 баравар ортди.

Россияда 1913 йилда меҳнат унумдорлиги даражаси жуда паст эди ва СССРда эришилган юксак сур'атларга ажабланмаса ҳам бўлади, деб айтишлари мумкин. Дарҳақиқат, 1913 йилда Россияда меҳнат унумдорлиги даражаси АҚШлагига нисбатан 9 баравар, Англиядагига нисбатан 4,9 баравар, Германиядагига нисбатан 4,7 баравар ва Франциядагига нисбатан 3 баравардан зиёд паст эди. Аммо , СССРда меҳнат унумдорлигини оширишда шундай сур'атларга эришдикки , эндиликда биз меҳнат унумдорлиги даражаси жиҳатидан Англияни ва Францияни орқала қолдирдик, аммо АҚШ дан ҳали кейинда қолмоқдамиз.

Бизнинг мамлакатимизда меҳнат унумдорлигининг тез сур'атлар блан ўсаётганлиги социалистик ишлабчиқариш усулининг афзаллиги натижаси, партиямизнинг бутун халқ хўжалигини техника жиҳатидан реконструкция қилишни та'минлаш ва мамлакатни электрлаш соҳасида қилган буюк ижодий ишлари натижасидир.

Ленин мамлакатни электрлаш проблемасига қандай катта аҳамият берганлиги ҳаммага ма'лум. Ленининг: **«Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир»** деган машҳур формуласи улуғ йўлбошчимиз ва устозимизнинг коммунизм қурилишида энергетикани ривожлантириш ҳал қилучи роль ўйнаши тўғрисидаги фикрларини жуда ёркин ифода этади.

Ленин электрлаш коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш асосидир, деб та'лим беради. Ленин Коминтернинг III конгрессида қилган докладининг тезисларида бундай деб ёзган эди: «Деҳқончиликни ҳам қайтақуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина социализмнинг бирдан-бир моддий асоси бўлиши мумкин. Лекин бу умумий қоида блангина чекланиб қолиш мумкин эмас. Уни конкретлаш зарурдир. Энг янги техника даражасига мос келадиган ва деҳқончиликни қайта қураоладиган йирик саноатнинг ма'носи бутун мамлакатни электрлаш демакдир». (Асарлар, 32 том, 511 бет).

Лениннинг асарларидан ва партиянинг Ленин та'лимотига асосланган қарорларидан бизга шу нарса аёнки, бутун мамлакатни электрлаш қудратли электроэнергетика базасини вужудга келтирибгина қолмай, балки халқ хўжалигининг барча тармоқларини энг янги техника базасида қайтақуришни ҳам кўрсатиб беради. Ленин Комсомолнинг III с'ездида бундай деган эди:

«Биз биламизки, саноат ва деҳқончиликни қайтадан тикламай туриб коммунистик жамият қуриб бўлмайди, шу блан бирга уларни эски усуллар блан тиклашлик керак. Уларни ҳозирги замонга мувофиқ асосда, фаннинг сўнгги ютуқлари асосида тикламоқ керак. Сиз, бу асоснинг электрдан иборат эканлигини билясиз, бутун мамлакатни, саноат ва деҳқончиликнинг барча тармоқларини электрлаштиргандагина, сиз бу вазифани бажарганингизгина, фақат шу вақтдагина сиз ўзингиз учун, эски авлод қураолмайдиган коммунистик жамиятни қураоласиз». (Асарлар, 31 том, 297 бет).

Яна бир ҳужжатни сизларга эслатиб ўтаман. Бу ҳужжат Лениннинг барча партия, совет, хўжалик ташкилотларидан мамлакатни электрлаш программасини бажариш блан боғлиқ бўлган амалий вазифаларни ҳал этишга ғоят зўр э'тибор беришни талаб қилганлигини кўрсатади. Мен бунда Меҳнат ва Мудофаа Советининг маҳаллий совет муассасаларига берган ма'лум наказини кўзда 'тутаман. Бу наказнинг «Электрлаш» деган бобида Ленин маҳаллий органлардан қуйидагиларни суриштириб билмоқчи бўлади:

«Маҳаллий губерна ва уезд кутубхонасида «РСФСРни электрлаш плани», VIII Советлар с'ездига қилинган доклад борми? Қанча нусха бор? Агар бўлмаса, у вақтда, VIII Советлар с'ездининг жойлардан келган делегатлари ё партиядан ҳайдалиши ва ҳамма мас'ул ўринлардан четлатилиши лозим бўлган виждонсиз кишилардир, ёки тюрьмага қамаш орқали ўз бурчини бажаришга ўргатилиши лозим бўлган ўтакетган ялқовлардир (VIII Советлар с'ездида маҳаллий кутубхоналар учун 1 500—2 000 нусха тарқатилган эди).

Электрлаш планини кенг пропаганда қилиш тўғрисидаги VIII Советлар с'ездининг қарорларини бажариш учун қандай тадбирлар кўрилди? Бу тўғрида маҳаллий газеталарда қанча мақола босилиб чиқди? Қанча доклад ўтказилди? Докладларни неча киши тинглади?

Бундай докладлар қилиш учун ва бу ҳақда дарс бериш учун электр соҳасида назарий ёки амалий билимга эга бўлган барча маҳаллий ходимлар сафарбар қилиндими? Бундай ходимлар қанча? Улар қандай иш олиб бормоқдалар? Лекциялар ва машғулотлар учун маҳаллий ёки энг яқин жойдаги электр станцияларидан фойдаланилмоқдами? Уларнинг сони қанча?

VIII Советлар с'ездининг қарорига биноан қанча ўқув юртида электрлаш плани дарс қилиб киритилган?

Бу планни амалга ошириш соҳасида бирор амалий иш қилиндими ва нима қилинди? ёки, электрлаш соҳасидаги планга кирмаган ишлардан қайсилари қилинди?

Электрлаш бўйича маҳаллий план ва қилинадиган ишлар тартиби борми?» (В. И. Ленин, Асарлар, 32 том, 441 бет).

Ленин вайронгарчилик даврида, 1921 йилда мамлакатни электрлаш ишига кун сайин э'тибор бериш ва шу тўғрида доимо ғамхўрлик қилиш зарурлиги ҳақидаги масалани ана шу тарзда кескин қилиб қўйган эди.

Электрлашнинг моҳияти ва аҳамиятини ленинча тушуниш халқ хўжалигида энг янги техникани ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг асоси бўлган электр қувватининг ролига чуқур баҳо беришдан келиб чиқади. Жонли меҳнатни тежаш ва бу меҳнатнинг унумдорлигини ошириш жараёнида электр энергиясининг қайта қуришдан иборат роли даставвал шундан иборатки, у меҳнатни механизациялаштиришнинг энг мукаммал базиси ва энг муҳим технология процессларида энг такомиллашган энергия ҳомилидир.

Шу сабабдан ҳам меҳнатнинг электр қуввати блан та'минланиш даражаси меҳнат унумдорлигини оширишнинг мезони ва энг муҳим факторидир. Шу блан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш учун меҳнатни электр қуввати блан та'минлашни меҳнат унумдорлигининг ўсишига нисбатан кўпроқ миқдорда ошириш ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлиги тамомила таслиқланди деб ҳисоблаш мумкин.

Агар бу жиҳатдан капиталистик мамлакатларнинг тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. АҚШнинг ишлаб беручи саноатида 1939 йилдан тортиб 1953 йилгача меҳнат унумдорлиги 31 процент кўпайган бўлса, меҳнатнинг электр қуввати блан та'минланиши 60 процент ортган; АҚШнинг иқтисодий адабиётида келтирилган ма'лумотларга қараганда АҚШ саноатида 1962 йилга келганда меҳнат унумдорлигини 1950 йилдагига нисбатан 35 процент оширишни та'минлаш учун меҳнатни электр қуввати блан та'минлашни 84 процент кўпайтириш керак. Америкалилар экспорт бозорларида ва Англиянинг ўзида ҳам инглизларни суриб чиқармоқдалар. Инглизлар даставвал, меҳнатни электр қуввати блан та'минлаш даражасининг етарли эмаслигини ўзларининг қолоқлигига сабаб қилиб кўрсатмоқдалар ва Англия саноатида меҳнат унумдорлигининг АҚШ саноатидагига нисбатан анча паст эканлигига худди шу нарса асосий сабабдир, деб ҳисобламоқдалар.

Меҳнат унумдорлиги соҳасида Америка Қўшма Штатларидан кейинда қолганлигимиз меҳнатнинг электр қуввати блан ҳали етарли даражада та'мин этилмаганлиги блан маҳкам боғланган.

Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида айтилишича, биз, энергетика қувватларининг ўсишини бутун халқ хўжалиги тараққиётилан тезроқ олиб боришга ҳали эришганимизча йўқ. Партия XIX с'ездининг бешинчи бешйиллик план ҳақидаги Директиваларида саноатдаги ялпи маҳсулотни 70 процент кўпайтириш, электр қуввати ишлаб чиқаришни эса 80 процент ошириш кўзда тутилган эди. Ҳақиқатда эса саноат ялпи маҳсулотининг ўсиши блан электр қуввати ишлаб чиқаришнинг ўсиши бирхил даражада қолди ва 85 процентни ташкил этди, я'ни бешинчи бешйилликда электр қуввати ишлаб чиқариш ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга қараганда тезроқ сур'атлар блан олиб борилмади.

Энергетика базасини ривожлантириш сур'атларининг ишлабчиқаришни ўстиришга нисбатан етарли даражада бўлмаганлиги меҳнат унумдорлигининг ошувига шубҳасиз, салбий та'сир кўрсатди.

Партия энергетикани саноатдаги бошқа тармоқлар тараққиётидан ўзиб кетадиган тарзда электр қувватларини янада оширишни та'минлаш вазифасини қўйди. Бошқа сўзлар блан айтганда, биз халқ хўжалиги тараққиётини шундай планлаштиришимиз керакки, энергетика системаларида ҳар йили зарур резервлар вужудга келтирилсин. Шу нарсани э'тиборга олиш керакки, яқин йилларда саноатнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжлари кескин суратда ортади, хусусан электр қувватини кўп талаб этадиган корхоналарнинг — қораметаллургия заводлари, алюминия заводлари, махсус қуйилмалар ишлаб чиқарадиган корхоналар ва электр қувватини кўпроқ талаб этадиган бошқа ишлабчиқаришларнинг тез ривожлантирилиши муносабати блан саноатнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжлари кескин суратда ортади. Яқин йиллар ичида транспортда, қишлоқ хўжалигида, коммунал хўжаликда ва турмуш — маишатда электр қувватини исте'мол қилиш кескин суратда ортажагини ҳам назарда тутиш лозим.

Совет Иттифоқи электр қуввати ишлаб чиқариш соҳасида АҚШга тарихан қисқа вақт ичида етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитларга эгадир

Ҳисобот докладида ва олтинчи бешйиллик план юзасидан Марказий Комитет томонидан партия XX с'езди муҳокамасига тақдим этилган Директивалар проектида мўлжалланган перспективалар мамлакатимизни электрлаш соҳасида олга қараб катта қадам қўйилишидан далолат беради. Бешйиллик мобайнида электр қуввати ишлаб чиқариш 150 миллиард киловатт-соат ортади. 1960 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 65 процент оширилгани, «А» группасидаги тармоқларнинг маҳсулоти 70 процент кўпайгани ва машинасозлик ҳамда металл ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 процент кўпайгани ҳолда, электр қуввати ишлаб чиқаришни 88 процент ошириш кўзда тутилган.

Энергетика хўжалигини ривожлантиришнинг ана шу сур'атлари халқ хўжалигининг барча тармоқларини электрлашни кенгайтириш имконини беради ва меҳнат унумдорлигини тахминан 50 процент ошириш ҳақида топшириқ берилгани ҳолда саноатда меҳнатни электр қуввати блан та'минлашни 65 процент кўпайтириш имконини беради.

Биз, электрлаш планларимизни тузган пайтда, ҳозирги вақтда СССРнинг электр қуввати ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан Америка Қўшма Штатларидан орқада қолаётганлигини э'тиборга олмаслигимиз мумкин эмас.

Шундай савол туғилиши табиийдир: СССР қисқа вақт ичида қолоқлигимизни тугатаолади, халқ хўжалигининг ва аҳолининг эҳтиёжларини тўла та'минлаш, электр қуввати ишлаб чиқариш соҳасида Америка Қўшма Штатларига етиб олаолади ва сўнгра ундан ўзиб кетаолади деб да'во қилиш учун қандай асосларимиз бор ва бунинг учун қандай шарт-шароитга эгамиз?

Даставвал шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг ҳозирги энергетика базаси тамомила Совет ҳокимияти йилларида вужудга келтирилди. Ма'лумки, революциядан илгариги Россиянинг ёқилғи-энергетика хўжалиги ғоят қолоқ эди ва мақсадга мувофиқ уюштирилмаган эди; 1913 йилда электростанцияларнинг умумий қуввати 1 миллион киловатт бўлиб, салкам 1,9 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилар эди. Ўша даврда Америка Қўшма Штатларида 6 миллион киловатт қувватли электростанциялар бор эди ва бу станцияларда 22 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилар эди.

Америка Қўшма Штатларига электр қуввати ишлаб чиқаришни 22 миллиард киловатт-соатдан 170 миллиард киловатт-соатга етказиш учун 27 йиллик вақт лозим бўлди (1913 йилдан 1940 йилгача). Совет Иттифоқининг электр қуввати ишлаб чиқаришни ана шу миқдорларда кўпайтириши учун, уруш йилларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 20 йил керак бўлди (1935 йилдан тортиб 1955 йилгача). Фашист босқинчилар энергетикамизга жуда катта зарар етказган эдилар. Шу муносабат блан ана шу даврда электр қуввати ишлаб чиқаришни урушдан аввалги даражага етказиб тиклаш учун олти йил керак бўлганлигини э'тиборга олсак, Совет Иттифоқининг электр қуввати ишлаб чиқаришни 22 миллиард киловатт-соатдан 170 миллиард киловатт-соатгача етказиши учун қарийб 14 йил керак бўлди, я'ни Америка Қўшма Штатларига нисбатан қарийб икки баравар камроқ вақт керак бўлди.

Биринчи бешйиллик план амалга оширилабошлаган пайттача Совет Иттифоқида Италиядагига нисбатан 1,9 баравар камроқ, Франциянга нисбатан 2,6 баравар, Англияга нисбатан 3 баравар, Германияга нисбатан 5,6 баравар ва АҚШга нисбатан 21 баравар камроқ электр қуввати ишлаб чиқарилган эди. Хатто Швейцария каби кичик мамлакат ҳам 1928 йилда СССРга нисбатан кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқарган эди.

Биринчи ва иккинчи бешйилликлар даврида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Бу даврда халқ хўжалигининг электроэнергетика базаси янгидан реконструкция қилинди ва янгидан вужудга келтирилди. ГОЭЛРО планининг топшириқлари 1930 йилда бажарилди. Шундан ўн йил ўтгач СССР Европала биринчи ва дунёда иккинчи ўринни олиш учун Германия блан мусобақа қилди. Ҳозирги вақтда СССР дунёда иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб олди ва Европанинг саноати ғоят ривожланган икки капиталистик давлати— Буюк Британия ва Ғарбий Германияни бирга қўшиб олганда уларда қанча электр қуввати ишлаб чиқарилаётган бўлса, СССРда ҳам тахминан худди шунча миқдорда электр қуввати ишлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз энергетика базасини вужудга келтиришга киришганида ўзининг энергетика машинасозлиги саноатига эга эмас эди. Электростанциялардаги асосий машина-ускуналарнинг ҳаммаси — турбиналар, қозонлар, трансформаторлар, аппаратуралар чет эллардан сотиб олинар эди. Четэл техникасининг энг яхши муваффақиятларидан доим фойдаланиш имкониятига эга эдик, деб бўлмас эди. Эндиликда бизда кучли турбина, қозон саноати ва электротехника саноати бор. Эндиликда бизнинг заводларимиз қарқандай энг янги ускуналарнинг конструкцияларини тузиб, уларни қураоладилар. 150 минг киловатт қувват берадиган турбинали биринчи тепловой электростанциянинг ускуналари, Волгадаги энг йирик гидроэлектростанциялари учун керакли кучли турбиналар, генераторлар, трансформаторлар, дунёда энг узун ва энг кучли деб ҳисобланган ва Куйбишев блан Москва ўртасида ўрнатилган 400 киловатт қувват ўтказучи электр симлари совет заводларида совет кишилари томонидан барпо қилинди. Совет мамлакатидаги энергия машинасозлиги заводларининг ишлабчиқариш қувватлари мамлакатимизнинг ички эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки Хитой Халқ Республикасига, кўпгина халқ демократияси мамлакатларига катта ёрдам кўрсатиш, энергетика асбоблариии бошқа мамлакатларга экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Агар мамлакатнинг энергетика ресурслари блан та'минланганлиги каби ҳал қилучи шартни э'тиборга олсак, Совет Иттифоқи энергетикани АҚШдагидан ўзиб кетадиган даражагача ривожлантириш имконини берадиган миқдорларда энергетика ресурсларига эгадир.

СССРда энергиянинг каттиқ ёқилғи, нефть, табиий газ ва гидравлик энергияси каби манба'ларининг тонилган ресурслари шартли ёқилғи ҳисобида 1.590 миллиард тоннани, Қўшма Штатларда 1.550 миллиард тоннани, Европада (СССРдан ташқари) 730 миллиард тоннани, Англияда 175 миллиард тоннани, Ғарбий Германияда 245 миллиард тоннани ташкил этади. Бунда СССРдаги ер ости бойликлари АҚШга ва Европадагига нисбатан анча кам ўрганилганлигини ва бинобарин, бизда энергетика бойликлари ҳали тўла равишда аниқланмаганлигини, ана шу бойликларнинг энг яхши қисмилан АҚШ ва Европалагига нисбатан ғоят кам даражада фойдаланилганлигини э'тиборга олиш керак.

Совет Иттифоқида фойдаланиш мумкин бўлган гидроэнергия ресурсларига келганда шуни айтиш керакки, бу ресурслар 1.700 миллиард киловатт-соат миқдорида белгиланади. Шу блан бирга асосан йирик гидроэлектростанциялада фойдаланиш мумкин бўлган гидроэнергетика ресурсларининг энг эффектли қисми 1.200 миллиард киловатт-соат ҳисобланади. Халқаро миқ'ёсда ишлатилаётган терминология блан айтганда, бу — гидравлик электр қувватининг иқтисодий потенциалидир. Европалаги ана шундай потенциал (СССРдан ташқари) 514 миллиард киловатт-соат миқдорида, АҚШда 491 миллиард киловатт-соат миқдорида, Канадада 325 миллиард киловатт-соат миқдорида белгиланган. Демак, иқтисодий потенциал жиҳатидан олиб қараганда, СССРдаги гидроэнергия ресурслари Европа, АҚШ ва Канадани бирга қўшиб ҳисоблаганда улардаги гидроэнергия ресурсларига баравар дейиш мумкин.

Шу блан бирга аҳамияти анча кам бўлмаган, аниқроқ қилиб айтганда жуда муҳим бўлган қуйидаги ҳолатни э'тиборга олиш керак. Чет элларда, хусусан АҚШда ва Канадада гидроэнергетика қурилиши асосан, гидроэнергетика ресурсларининг энг эффектли қисмидан фойдаланиш, қурилиш учун энг қулай шарт-шароит вужудга келтириш, гидроэлектростанциялар учун қоятошларни пойдевор қилиш йўли блан олиб борилди. СССРда эса тарихий шароитларга кўра биринчи галда, текис зоналарнинг гидроэнергия ресурсларидан фойдаланилди, гидроузелларнинг пойдевори қумоқ ерга қурилди. Совет мутахассислари гидроинншоотларни қоятош бўлмаган ерларга қуришнинг техник асосларини ишлаб чиқдилар. Текис жойлардан оқалиган дар'ёларда гидроузеллар қуриш учун нисбатан кўп капитал маблағ талаб этилди ва бу гидроузеллар Америкадаги гидроэлектростанцияларга нисбатан камроқ эффект

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ П. Г. Москатовнинг КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар

Ўртоқ Г. М. МАЛЕНКОВ нутқининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Америка Қўшма Штатлари ўзининг энг эффектли гидроэнергия ресурсларининг талайгина қисмидан фойдаланиб бўлди. Эдисон институтининг фикрича, хусусан мамлакатнинг шарқий қисмидаги барча тежамли гидроэнергетика створларидан фойдаланиб бўлинган.

Совет Иттифоқи шу жиҳатдан устунликка эгаки, мамлакатнинг шарқий районларида бўлган энг эффектли гидроэнергетика ресурсларига амалда ҳали қўл текизилгани йўқ. Ёқилғи ресурслари тўғрисида ҳам шундай дейиш керак. Совет Иттифоқи хусусан шарқий районларда жуда кўп кўмир ресурсларига эгадир. Мамлакатнинг шарқий районларида кўмир ресурсларидан ҳали фойдаланилмаётир деса бўлади.

Шу муносабат блан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ҳисобот докладида мамлакатимизда ишлабчиқаришни жойлаштириш проблемасига тегишинча э'тибор берилганлигини алоҳида қайд килиб ўтиш керак.

Дарҳақиқат, ишлабчиқаришни географик жиҳатдан тўғри жойлаштириш асосий иқтисодий вазифани тез ва муваффақиятли ҳал этиш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ма'лумки, мамлакатнинг шарқий районларида саноат тараққиётини кучайтириш ва бу районларни ўзлаштириш йўли партиянинг ишлабчиқаручи кучларни жойлаштириш соҳасидаги асосий йўлидир. Бу соҳада катта муваффақиятларга эришилди. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, бешинчи бешйилликда хомаш'е ва энергияга бой бўлган Сибирь ва Узоқ Шарқ каби районларнинг салмоги умумиттифоқ саноат ишлабчиқаришда кам ўсди. Кейинги йилларда электр қуввати ишлаб чиқариш соҳасида ана шу районларнинг салмоги ҳақиқатда ўзгармай қолди дейиш мумкин.

Саноат ва энергетикани жойлаштириш ишини тубдан яхшилаш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва иқтисодий жиҳатдан Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетиш муддатларини қисқартириш учун Сибирьнинг жуда кўп табиий бойликларидан халқ хўжалигида кўпроқ фойдаланиш зарур.

Гап шундаки, Совет Иттифоқи Шарқий Сибирьда ва биринчи галда Ангара ва Енисей дар'ёлари районларида гидроэнергия, ёқилғи ва хомаш'ёнинг ҳақиқатан ҳам нодир ресурсларига эгадир. Бутуниттифоқдаги энергетика ресурсларининг 40 процентидан кўпроғи шу районлардадир. Шарқий Сибирьдаги дар'ёлар — Енисей, Ангара, Лена, Витим дар'ёлари ва бошқа дар'ёларнинг сув энергияси запаслари гидроэнергияси гоят кўп бўлган АҚШ, Канада ва Япония каби капиталистик мамлакатларнинг гидроэнергия ресурсларидан ортиқдир. Ангара ва Енисей дар'ёлари энергетика мақсадларида фойдаланиш учун айниқса катта қулайлик туғдиради. Ангара дар'ёсидан фойдаланиш юзасидан ҳукумат томонидан тасдиқланган схемага мувофиқ, ана шу дар'ёда салкам 70 миллиард киловатт-соат электр қуввати берадиган жам'и 10 миллион киловаттдан ортиқ қувватли гидроэлектростанциялар қуриш мўлжалланади. Бу йил Ангара каскадининг биринчи гидроэлектростанцияси, я'ни 660 минг киловатт қувватли Иркутск ГЭСи ишга туширилади. Бу гидроэлектростанциянинг тўғони Байкал кўлининг сатхини баланд кўтаради. Бунда жуда катта сув омбори вужудга келтирилади. Бу сув омбори дар'ёнинг қуйи қисмидаги барча гидроэлектростанцияларга сув оқимини тартибга солиб туради. Дун'ёда энг йирик Братск гидроэлектростанциясини қуриш соҳасидаги ишлар кучайтириб юборилди.

Енисей дар'ёсида янада катта гидростанциялар қуриш мумкин. Ана шу гидроэлектростанцияларнинг умумий қуввати салкам 20 миллион киловатт бўлиб, улар 130 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарадилар.

Ангара ва Енисей дар'ёларида қуриш мўлжалланган гидроэлектростанцияларнинг ишлаб чиқаралиган жам'и электр қуввати СССРдаги барча электростанцияларнинг 1955 йилда ишлаб чиқарган электр қувватидан ана ортали ва йилига 120 миллион тонна ёқилғи ишлаб чиқаришга баравар бўлади. Бу энергия — йилига ўртача ишлаб чиқариладиган энергиянинг киловатт-соатига 35 — 40 тийин миқдорида капитал қўйиш ва бир киловатт-соат энергиянинг таннархини қариб 1 тийинга келтириш йўли блан ҳосил қилинади, я'ни СССРнинг бошқа районларидаги гидроэлектростанцияларга нисбатан 2—3 баравар камроқ маблағ сарфлаш йўли блан ҳосил қилинади.

Ангара-Енисей дар'ёлари районида очиқ усулда қазиб чиқаришга яроқли кўмир конлари кўп. Ангара-Енисей дар'ёлари районида кўмир қазиб чиқаришда меҳнат унумдорлиги умуман СССРда очиқ усулда кўмир қазиб чиқарилаётган конлардаги ўртача меҳнат унумдорлигидан 2—2,5 баравар ортиқдир. Канск-Енисей ва Иркутск-Черемховск конларида чиқарилаётган кўмирнинг таннархи СССРнинг бошқа асосий кўмир базаларидаги кўмирнинг таннархидан 3—5 баравар кам. Арзон ёқилғидан фойдаланиш асосида ҳарбири бир ярим миллион киловаттгача қувватга эга бўлган гоят эффектли тепловой электростанциялар қуриш мумкин.

Сибирьда ва хусусан унинг шарқий қисмида энергетика ресурслари кўп бўлиши блан бирга жуда катта хомаш'ё ресурслари ҳам бор. Бу ресурслар оғир саноатнинг энг муҳим тармоқларини гоят кенг миқ'ёсда ривожлантиришни та'минлайолади. Бу ерларда темир рудаси запаслари, алюминий, магний, никель, карбит-кальций, синтетик каучук, хлор, ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун керакли хомаш'ёлар кўп. Аммо бу районлари ана шу табиий бойликларга ҳали деярли қўл тегизилмаган дейиш мумкин. Нефелин, боксит, магнезит, темир рудаларидан бутунлай фойдаланилмаётир.

Ангара-Енисей районы ва Кузбассдаги асосий электростанциялар ҳамда саноат узелларини ўз ичига олган энг йирик Сибирь энергетика системасининг вужудга келтиридши Сибирь районларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг энг муҳим элементидир. Жам'и 6,4 миллион киловатт қувватли Братск ва Красноярск гидроэлектростанцияларининг ишга тушириши блан 400 киловольт қувват ўтказадиган электр линиялари қурилади. Бу линиялар Братск ГЭСини Иркутск—Черемховск энергия системаси блан, сўнгра Братск ГЭСини Красноярск ГЭСи блан (Тайшет—Канск районлари орқали) ва Красноярск ГЭСини Кузбасс блан боғлайди. Юқори кучланишли электр линиялари Братск ГЭСини йирик гидроэлектростанциялар блан, я'ни Ангара дар'ёсида ҳарбири тахминан 3 миллион киловатт қувват берадиган Усть-Илимск ва Богучанск гидроэлектростанциялари блан боғлайди ва Енисей дар'ёсида салкам 5 миллион киловатт қувватга эга бўлган Енисей ГЭСи блан боғлайди. Жам'и 50 миллион киловаттдан ортиқ қувватга эга бўлган йирик гидравлик ва тепловой электростанцияларни бирлаштирувчи Сибирьнинг энг катта энергетика системаси дун'ёда гоят эффектли энергия манбаи бўлади, саноатни ривожлантиришнинг ва мамлакат халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини анча оширишнинг кучли фактори бўлади. Ана шу системада 15—20 йил ичида ишлаб чиқарилган электр қуввати 250—300 миллиард киловатт-соатга етказилиши мумкин. Шу блан бирга электр қувватини кўп талаб этадиган кучли ишлабчиқариш комплекслари — аллюминий, магний, титан, ферросплав ва шу сингариларни ишлаб чиқариш учун арзон энергия блан та'минлаш имконияти туғилади. Сибирь системасидан 30—40 миллиард киловатт-соат электр қувватини Уралга юбориш имконияти вужудга келади. Бу эса Уралнинг энергетика балансини тубдан яхшилашга йўл очади.

Совет Иттифоқи социалистик хўжаликнинг барча тармоқларида бўлгани каби энергетикани ҳам янги, янада юксак техника асосида ривожлантириш йўлига қат'ий суратда ўтиб олди.

Бунда гап, даставвал юқори босимли буғ қувватиз чидайдиган жуда кучли агрегатлар ўрнатилган йирик электростанциялар қуришга ўтиш тўғрисида бораётир. Ўтган бешйилликда 500—600 минг киловатт қувватли бирқанча тепловой электростанциялар қурилди. Аммо эндиликда бу блан чекланиб қолиш ярамайди. Кўпроқ қувват берадиган, я'ни 900—1200 минг киловатт қувватга эга бўлган тепловой электростанцияларни қуриш керак. Ёқилғи чиқарилаётган районларда бундай электростанцияларни қуришга киришилди. Бу станцияларда ҳарбири 150—200—300 минг киловатт қувватга эга бўлган трубаагрегатлар ва гоят унумли ишлайдиган қозонлар ўрнатилади. Йирик электростанциялар қуришнинг энг асосий фазилати шундаки, ўртача қувватга эга бўлган станцияларга қараганда бундай станцияларни қуриш анча арзонга тушади ва шу блан бирга энергетика қувватларини ошириш сур'атлари анча тезлаштирилади. Кейинги йилларда АҚШда энергетикани тез сур'атлар блан ўстириш асосан катта қувватга эга бўлган ва 150—260 минг киловатт қувватли йирик турбоагрегатлар ўрнатилган тепловой электростанциялар қуриш ҳисобига та'минланди. Бизнинг энергия машинасозлиги саноатимиз планга мувофиқ, кучли турбоагрегатлар ва қозонларни кўплаб ишлабчиқаришни тезроқ йўлга қўймоғи керак, токи ҳарбандай қувватга эга бўлган турбинага биттадан қозон ўрнатиш мумкин бўлсин. Бу чора ёқилғини ва сарфланадиган капитал маблағни кўп миқдорда тежашни та'минлайди.

Электр шохобчаларини ривожлантириш ва энергия системаларини бирлаштириш масаласи мамлакатимизда энергетикани тез ўстиришни та'минлаш учун техника соҳасидаги сиёсатнинг энг муҳим элементидир. Системадар ўртасида электр қувватини ўтказадиган линиялар иқтисодий жиҳатдан жуда катта фойда келтиради. Шуни айтиб ўтиш кифоядирки, масалан, Урал ва Марказий энергия системаларида энергиянинг максимал нагрузкасини бир вақтда ўтказмаслик ва талаб этилган энергияни шу энергосистемаларни бирлаштирган вақтда мумкин бўлган даражада камайтириш ҳисобига бирлаштирилган система учун белгиланган умумий қувватни тахминан 500 минг киловатт камайтириш мумкин.

СССРнинг Европа қисмида ягона энергосистеманинг вужудга келтирилиши халқ хўжалигини электр қуввати блан та'минлашда энергиядан максимал даражада усталик блан фойдаланишни ва энергияни иқтисод қилишни та'мин этади. Ана шу ма'нода бу чора энергетиканинг техника жиҳатидан янада юксак босқичга кўтарилганлигини кўрсатади.

Олимларимиз ва инженерларимиз янги энг бой энергетика манбаи — ядро энергиясини ишга солиш йўлларини ва бу ма'ноданги ривожлант

Евг. Вахтангов номидаги театрнинг янги спектакли

18 февральда Евг. Вахтангов номидаги Давлат театри тамошабинларга КПСС XX с'езига бағишланган янги асарини — М. Горькийнинг повести асосида ёзилган «Фома Гордеев» спектаклини кўрсатди.

Улуғ ёзучининг ижоди ҳамиша бу театрнинг э'тиборини жалб қилиб келади. У «Егор Буличев ва бошқалар», «Достигаев ва бошқалар» номли пьесаларни биринчи бўлиб саҳнага қўйган эди.

«Фома Гордеев» спектаклида ўтган асрнинг охиридаги рус жамиятининг ҳаёти, капиталистик тузумнинг чуқур қарамақаршиликлари, ҳалокатга маҳкум этилган синф вакилларидан бири — савдогар ўғли Фома Гордеевнинг самарасиз ва зиддиятли ис'ёни кўрсатилган.

Ёш актер Г. Абрикосов повесть қаҳрамонининг образини яратиб берди. Рольларда РСФСР халқ артистлари А. Абрикосов (Игнат Гордеев), И. Толчанов (Яков Маякин), РСФСРда хизмат кўрсатган артистка Л. Целиковская (Мединская), артистка Е. Добронравова (Саша) ва бошқалар ўйнадилар.

Спектаклни СССР халқ артисти Р. Симонов саҳнага қўйди. Горький асарини у ўзи саҳналаштирган. Спектаклни энг кекса совет рассомларидан бири СССР халқ рассоми К. Юон безатган.

Спектакль катта муваффақият блан ўтди.

Спектаклда А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, Н. С. Хрушчев, Д. Т. Шепилов ўртоқлар, КПСС XX с'езди делегатлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Ленинград академик драма театрининг Москвадаги спектакльлари

А. С. Пушкин номидаги Ленинград академик драма театри КПСС XX с'езди шарафига Вс. Вишневскийнинг «Оптимистик трагедия» номли янги спектаклини тайёрлади. Граждан уруши воқиаларига бағишланган бу пьесса 1932 йилда яратилган эди. КПСС XX с'езди партиянинг кейинги йиллар ичида қилган ғоят катта ишларини якунлаётган шу кунларда партиянинг оммани уюштиришдаги ва тарбиялашдаги буюк ролини, Совет ҳокимияти учун курашда коммунистларнинг сабот ва мардлигини кўрсатучи бу асар ҳали ҳам аввалгидек завқли жаранглайди.

19 февральда ленинградлилар бу янги спектакльни Москвада кўрсатдилар. Академик Малий театр биносида кундузи ва кечқурун спектакльлар бўлди.

РСФСРда хизмат кўрсатган артистка О. Я. Лебзак комиссар аёлнинг ёркин образини яратди; бошқа рольларда РСФСР халқ артисти Ю. В. Талубеев, РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. В. Соколов, артистлар И. О. Горбачев, А. А. Ян, В. В. Эренберг, Г. К. Колосов, Н. К. Вальяно, М. К. Екатерининский ва бошқалар ўйнадилар.

Грузия ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Г. А. Товстоногов постановкаси. Рассом А. Ф. Босулаев. Композитор Кара Караев, режиссёр Р. С. Агамирзян.

Тамошабинлар Ленинград театрининг премьерасини самимий кутиб олдилар.

Кечқурунги спектаклда Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев ўртоқлар, КПСС XX с'езди делегатлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

АҚШ Ҳукуматига Совет Ҳукуматининг нотаси

Америка ҳарбий органлари Ғарбий Германия территориясидан, шунингдек Совет Иттифоқига чегарадош бўлган ба'зи давлатларнинг территорияларидаги Америка ҳарбий-ҳаво базаларидан СССР территорияси устига шарлар учирганликлари тўғрисидаги масала юзасидан 4 февральда АҚШ Ҳукуматига Совет Ҳукуматининг нотаси топширилганлиги хабар бериб ўтилган эди.

8 февральда АҚШ Элчихонаси СССР Ташқи Ишлар Министрлигига АҚШ Ҳукуматининг қуйидаги жавоб нотасини юборди:

Совет Ҳукуматига АҚШ Ҳукуматининг

1956 йил 8 февральдаги нотаси

«Америка Қўшма Штатларининг Элчиси Совет Ташқи Ишлар Министрлигига ўзининг ҳурматини та'кидлайди ва, ўз Ҳукуматининг кўрсатмаси блан, Совет Ҳукуматининг 1956 йил 4 февральдаги нотасига қуйидаги жавобни бериш шарафига муяссардир.

Совет Ҳукуматининг нотасида икки нарса — матбуотда хабар бериб ўтилган метеорология операцияси блан Совет Иттифоқи томонига пропаганда шарлари учирилганлиги тўғрисидаги аввалги совет да'волари бир-бирига аралаштириб юборилган. Кейинги да'во муносабати блан, Қўшма Штатлар Ҳукумати шу нарсани эслатиб ўтадики, Совет Ҳукумати шикоят қилган ишлар учун Қўшма Штатлар Ҳукуматининг бирор даражада жавобгар эканлигини инкор қилган Американинг Москвадаги муваккат ишлар вакилига Совет Ташқи Ишлар Министрлиги 28 сентябрьда ба'зибир оғзаки мулоҳазаларни айтган эди. Қўшма Штатлар Ҳукумати яна шуни тасдиқлашни истайдики, у, Совет Иттифоқига пропаганда шарлари учириш соҳасидаги ҳеч бир тадбирларда бевосита ёки бавосита қатнашаётгани йўқ.

Совет Ҳукуматининг нотасида метеорология шарлари масаласи тилга олинганлиги сабабли, Қўшма Штатлар Ҳукумати ҳаммага ма'лум бўлган ма'лумотларга қўшимча қилиб, мамнуният блан информация беради. Қўшма Штатларнинг ёрдами блан ҳозирги вақтда шарлар учириш воситаси блан метеорологик текширишлар ўтказилмоқда, бу шарлар ҳақиқатда жуда кичкина «йўлдошлар» бўлиб, ҳавода бирнеча кун мобайнида жуда баландликда туриб қолади, шу сабабли, бу шарлар коммерция авиатранспортининг учиш учун фойдаланиладиган доирасидан ташқарида бўлади.

Жаҳоннинг турли қисмларида бирқанча шарлар учирилди ва бу шарларнинг кўпи Қўшма Штатлар устидан учиб ўтди. Масалан, 8 январьда Калифорнияда учирилган шар Қўшма Штатлар, Атлантик океан ва Евразия қит'аси устидан учиб ўтиб, 20 январьда Тинч океанинг ғарбий қисмидан ўзининг турган жойи тўғрисида сигналлар юборганлиги аниқланди.

Бу тадбир матбуот учун берилган ва 9 январьда Вашингтонда э'лон қилинган ахборотда тушунтириб ўтилган эди ва бу ахборотга шарларнинг ва шу шарлардаги детальларнинг суратлари илова қилинган эди. Бу ахборот Совет Ҳукуматига ма'лум бўлса керак, броқ, ўнгай бўлсин учун шу ахборотнинг копияси илова қилинади[1]). Ғарчи, шарларнинг кўпчилиги Қўшма Штатларда учирилган бўлса ҳам, Европада, Аляскада ва Гавай ороллари ва Қўшма Штатлар станциялари очилганлиги э'лон қилинганида бунга бирон ҳукумат томонидан э'тироз бўлмаган эди.

Шарлар ҳаво оқими сингари метеорологик ҳодисаларни ўлчайдиган ва ёзиб борадиган асбоблар блан ҳамда булутларнинг ҳосил бўлишини суратга оладиган фотоаппарат блан та'минланган, мана шу суратларга қараб ҳаво оқимлари ҳаракатининг турлича тезлигини аниқлаш мумкин бўлади. Кўпгина қимматли илмий информация тўпланмоқда. Метеорологик текширишнинг бу методи бўладиган Халқаро Геофизика йилини ўтказиш программасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб умид қилмоқдалар.

Мазкур тадбирларнинг э'лон қилинган мақсади шу фактдан яққол кўринадики, Қўшма Штатлар устидан учиб ўтиш мумкин бўлган янги шарларни бундан бўён учирмасликка ҳаракат қилади».

СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. А. Громико 18 февральда АҚШнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Чарльз Э. Болен жаноблари блан ушбу ҳужжатнинг ўзида бирнеча тилда, шу жумладан, рус тилида ҳам ёзилган инструкция бор, бу инструкция олинган ма'лумотларни ўрганиш блан шуғулланучи ма'мурларга қайтарилмоғи ва топширилмоғи керак. Маболо Совет Ҳукумати ўз қўлига тушган аппаратни илмий текшириш манфаатларини кўзлаб қайтариб берса, бу нарса катта мамнуният блан кутиб олинган бўлур эди.

Бу хилдаги текширишлар бирмунча вақт давомида Қўшма Штатлар устида бирнеча минг метеорология шарлари учириш воситаси блан ўтказилмоқда. Бу шарлар хавфдан сақлайдиган асбоблар блан та'минланган ва ҳатто жадал бўлиб турадиган граждан ҳаво қатнови учун бирор хавф туғдирмайди. Совет Ҳукумати ушлаб олган шарлар ҳам ўшандай хавфдан сақлайдиган асбоблар блан та'минланганки, бу тўғрида мазкур ахборотда айтиб ўтилган эди.

Қўшма Штатлар Ҳукумати шу тадбирлар муносабати блан кўзда тутилган хавфсизлик чоралари тўғрисида Совет Ҳукуматига мамнуният блан қўшимча тушунтиришлар берган бўлур эди. Броқ, англашилмовчиликлар бўлишига йўл қўймаслик учун ва Совет Ҳукумати томонидан бўладиган э'тирозларни назарда тутиб, Қўшма Штатлар Ҳукумати, ма'лум ма'лумотларга асосан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи устига учиб бориши мумкин бўлган янги шарларни бундан бўён учирмасликка ҳаракат қилади».

Совет Ҳукуматининг фикрича, мутахассислар ва жамоатчиликнинг шу хилдаги виставкалар блан танишуви СССРда тутиб олинган шарлар қандай ишларга мўлжалланганлигини ва бу шарлар ҳаво транспорти ҳамда аҳоли учун хавфлими ёки йўқми эканлигини яққол кўриб ишонишга имкон беради.

Совет Ҳукумати АҚШ Ҳукуматининг Совет Иттифоқи территорияси устида учиб ўтиши мумкин бўлган ҳаво шарларини бундан бўён учиришга йўл қўймаслик тадбирларини кўрамиз, деб қилган баёнотини ма'лумотга олади.

Москва,
1956 йил 18 февраль».

Чарльз Болен жаноблари бу нотани ўз ҳукуматига топширишини ва ҳозирги вақтда бу нотанинг мазмуни тўғрисида ҳеч қандай шарҳ беролмаслигини айтди.

[1]) Бу иловада АҚШда метеорологик текширишларга тааллуқли ички қоидалар баён қилинган, бу қоидаларнинг эса СССР территорияси устига ҳаво шарларни учирилганлиги тўғрисида Совет Ҳукуматининг нотасида айтиб ўтилган масалага алоқаси йўқ. **(Редакция).**

АҚШ Ҳукуматига Совет Ҳукуматининг

1956 йил 18 февральдаги нотаси

«Америка ҳаво шарларининг СССР территорияси устига учирилиши масаласида Совет Ҳукуматининг 4 февральдаги нотасига жавоб тариқасида шу йил 8 февральда АҚШ Ҳукуматининг юборган нотаси муносабати блан Совет Ҳукумати қуйидагиларни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

Совет Ҳукумати ўзининг 4 февральдаги нотасида, жойларни аэрофотос'ёмка қилиш учун автоматик ишлайдиган фотокамералар, радиопередатчиклар, радиоприёмниклар ва бошқа аппаратлар осилган Америка ҳаво шарлари Совет Иттифоқида кўп миқдорда тутиб олинганлигига АҚШ Ҳукуматининг э'тиборини жалб қилган эди. Шу блан бирга Совет Ҳукумати АҚШ Ҳукуматидан Совет Иттифоқининг территорияси устига бундай шарлар учиришни тўхтатиш тадбирларини кўришни талаб қилган эди.

АҚШ Ҳукумати ўзининг жавоб нотасида Америка шарлари Совет Иттифоқи территорияси устига учирилаётганлигини инкор қилмайди. Лекин шу блан бирга, ҳаво шарларининг учиши ҳаво қатнови учун хавфли эмас, деган баҳона келтирилганки, ҳаво чегаралари бузилганлигини оқлаш учун вақ бўлаолмайди.

Шу сабабли, Совет Ҳукумати бундай шарларнинг СССР осмонига учирилиши Совет Иттифоқининг территориал дахлсизлигини ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ҳаммага ма'лум қоидаларини қўпол равишда бузиш эканлигини яна кўрсатиб ўтади ва бунга қарши ўзининг норозилигини билдиради.

Бундан ташқари, Совет Ҳукумати ихтиёрида бўлган жуда кўп ма'лумотлар, шунингдек бу хусусда Европадаги бошқа бирқанча давлатларнинг чиқарган баёнотлари Америка ҳаво шарларининг учиб юриши ҳаво транспорти учун ҳам, шунингдек шу шарлар учиб ўтаётган районларнинг аҳолиси учун ҳам жуда хатарли эканлигини кўрсатади. Ҳарбир кишига равшанки, 650 килограммга қадар оғирликда юк осилган ҳаво шари блан самолётнинг тўқнашуви муқаррар ҳалокатга олиб келади. Шу нарса ҳам аниқ равшанки, йўғон металл ҳарига осилган ва ҳаммаси бўлиб 200—300 килограмм оғирликда балласт солинган иккита яшик, шар автоматик тарзда емирилиши натижасида жуда баландликдан пастга тушиб, биноларга, телефон ва электр линияларига, турли иншоотларга шикаст етказиши ва одамларни босиб ўлдириши мумкин.

Бу айтилганлардан шу нарса келиб чиқадики, АҚШ Ҳукуматининг, СССР территорияси устига учирилаётган америка шарлари ҳаводаги қатнов учун ҳеч бир хавфли эмас, деган гаплари шарларга ва бу шарлардаги асбоблларга тааллуқли бўлган ҳамда фактлар блан аниқ исбот этилган ма'лумотларга зид бўлиб тушади.

Сўнгра АҚШ Ҳукуматининг нотасида да'во қилинишича, юқорида кўрсатиб ўтилган аппаратлар блан та'минланган шарлар умуман фақат метеорология текширишлари учун мўлжалланган эмиш. Шарларга осилган асбоблар совет экспертлари томонидан текшириб чиқилганида бу текшириш шу шарларнинг СССР территорияси устига учирилиши метеорология текширишларига ҳеч бир алоқадор эмаслигини, балки бутунлай бошқа мақсадларни кўзда тутаётганлигини кўрсатади. Шуни айтиб ўтиш кифоядирки, Совет Иттифоқида тутиб олинган жуда кўп шарларнинг биронтасида ҳам асосий метеорология элементларини— атмосфера босимини, температурани, ҳавонинг намлигини ва бошқа шулар сингари элементларни ўлчайдиган ҳеч қандай аппарат йўқ.

СССРда тутиб олинган ҳаво шарларининг фотокамераларида топилган ва Совет Иттифоқининг территорияси суратга олинган фотоплёнка Америка ҳарбий органлари томонидан Совет Иттифоқи территорияси устига учирилаётган мазкур шарларнинг ҳақиқий вазифаси Совет Иттифоқи территориясини аэрофотос'ёмка қилишдан иборат эканлигини кўрсатади. Москвадаги четэл матбуоти ва дипломатик корпус вакиллари Москвада махсус виставкага қўйилган Америка ҳаво шарлари асбобларини кўриб чиқиб, бунга шахсан қаноат ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдилар.

АҚШ Ҳукуматининг нотасида совет ма'мурлари ихтиёрида бўлган шак-шубҳасиз ма'лумотларга асосланучи хулосалардан фарқ қиладиган нуқтаи-назар айтилганлиги сабабли, СССР Ҳукумати, СССРда тутиб олинган ҳаво шарлари ва бу шарларга осилган аппаратларнинг виставкасини очишга тегишли давлатларнинг ҳукуматлари розилик берадиган бўлса, Нью-Йоркда, Вашингтонда, ёки масалан, Лондон, Парижда шундай виставкалар ташкил этишни таклиф қилади. Совет Иттифоқида тутиб олинган ҳаво шарлари кўп миқдорда мавжуд эканлиги сабабли, Совет Ҳукумати, агар Совет Ҳукуматининг бу келтирган далилларининг асосли эканлигини кўриб ишонш зарурияти бўлса, бу хилдаги виставкаларни бошқа мамлакатларда ҳам шу давлатлар ҳукуматларининг розилиги блан ташкил этишга ўзининг тайёр эканлигини билдиради.

Агар АҚШ Ҳукумати бу таклифни ма'қул топса, Совет Ҳукумати шу виставкаларга совет экспертларини юборишга тайёрдир. Бу экспертлар виставкага қўйилган асбоблар тўғрисида тегишли изоҳларни беріб турган бўлур эдилар ва мазкур шарларнинг СССР территорияси устида учирилганлигига тааллуқли бошқа информацияларни ҳам берган бўлур эдилар.

Совет Ҳукуматининг фикрича, мутахассислар ва жамоатчиликнинг шу хилдаги виставкалар блан танишуви СССРда тутиб олинган шарлар қандай ишларга мўлжалланганлигини ва бу шарлар ҳаво транспорти ҳамда аҳоли учун хавфлими ёки йўқми эканлигини яққол кўриб ишонишга имкон беради.

Совет Ҳукумати АҚШ Ҳукуматининг Совет Иттифоқи территорияси устида учиб ўтиши мумкин бўлган ҳаво шарларини бундан бўён учиришга йўл қўймаслик тадбирларини кўрамиз, деб қилган баёнотини ма'лумотга олади.

Москва,
1956 йил 18 февраль».

Чарльз Болен жаноблари бу нотани ўз ҳукуматига топширишини ва ҳозирги вақтда бу нотанинг мазмуни тўғрисида ҳеч қандай шарҳ беролмаслигини айтди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҳисобот доклади халқимизни янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда

«Ташсельмаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XX с'езди материалларини зўр қизиқиш блан ўрганмоқдалар. **Суратда:** 15-нчи цех агитатори расточник **П. Егоров** ишчиларга с'езд материалларини ўқиб эшитдирмоқда.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

Бу йил ҳосил янада мўл бўлади

КПСС XX с'ездининг материаллари пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашаётган Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг а'золарини янада фидокорона меҳнат қилишга руҳлантириб юборди.

Колхоз а'золари ўтган йили пахтадан мўл ҳосил етиштиришда янги, прогрессив методни кенг қўлланиб, 1235 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан жонажон Ватанимизга 25,5 центнердан ҳосил топширишга эришган эдилар. Эришилган ана шу муваффақиятларни амалий ишлар блан янада мустаҳкамлаб, бу йил ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир қишки дала ишлари жадал сур'атлар блан олиб борилмоқда. Далалар бошига, колхоз омборига минерал ва маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш ишлари социалистик мусобақа асосида олиб борилмоқда.

Ана шу ишларда колхознинг 26 аравакаши, 2 та шофери бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишламоқда. Улар пландаги 3850 тонна маҳаллий ва 480 тонна минерал ўғитнинг охирги тонналарини колхоз омборига ва пахта далаларига ташиб келтирмоқдалар.

Колхознинг меҳнатсевар а'золари ҳар йилдагидек бу йил ҳам кўклам экиш кампаниясини пухта тайёргарлик блан кутиб олиш учун ғайратга-ғайрат, кучга-куч қўшиб астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ.

Янада унумли ишлаймиз

Тошкентдаги лак-бўёқ заводининг ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимларининг КПСС XX с'ездига бағишланган митинги бўлиб ўтди.

Митингда биринчи бўлиб сўзга чиққан биринчи цех мастери ўртоқ В. Батирь шундай дейди:

— Совет халқи Коммунистик партиямизнинг доно сиёсати ва раҳбарлиги туфайли янги-янги ғалабаларга эришмоқда. Олтинчи бешйиллик план проектида яна катта вазифалар қўйилди. Бу программа ҳам албатта ҳаргалгидек муддатидан илгари бажарилади. Цехимиз коллективи олтинчи бешйиллик планнинг дастлабки йили топшириқларини бажаришга киришди. Бунда маҳсулот сифатини янада яхшилаш, ишна қат'ий график асосида ташкил этиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Цехимиз ишчилари кўпгина тадбирларни амалга ошириш йўли блан 1956 йил планини муддатидан илгари бажаришга эришади.

2-нчи цехнинг смена бошлиғи Толипов, 3-нчи цех ишчиси Фомина ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, смена ва ойлик топшириқларни ортиғи блан бажариш мажбуриятини олдилар.

Университет коллективининг якдиллиги

Ўрта Осиё Давлат университетининг студентлар, профессор-ўқитучилар ва хизматчилар коллективи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно сиёсатини қизғин ма'қулламоқдалар. Ҳамма факультетларда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XX с'ездига қилган ҳисобот доклади зўр ииқиқлик блан ўрганилмоқда.

С'езд материалларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда университет ректори, профессор Т. Сарымсоқов сўзга чиқиб, бутун коллективнинг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Ўртоқ Хрушчевнинг докладида фан ва маданият соҳасида катта ютуқларга эришилганлиги та'кидланиши блан бирга, ВУЗларда мутахассис кадрлар тайёрлаш ва фанни ривожлантириш соҳасида ҳали кўпгина жиддий камчиликлар борлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Шунга мувофиқ биз университетда халқ хўжалигининг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш ишларини яхшилашимиз, ишлабчиқариш блан ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз керак.

Йиғилишда профессорлардан Н. Романов, И. Красовский, И. Цукерваник ўртоқлар сўзга чиқиб, социалистик маданиятимизни ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётгани учун Коммунистик партиядан чексиз миннатдор эканликларини айтдилар. Профессор И. Цукерваник, университет ўқитучилари дарс беришнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш блан бирга, халқ хўжалиги ва фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган проблемалар устида илмий-текшириш ишлари олиб боришни ҳам ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарадилар, деб ишонч билдирди. Партиямиз XX с'езди материалларидан илҳомланган студентлар коллективи ҳам ўқишда пухта ўзлаштиришга эришиш учун курашмоқдалар.

РЕПОРТАЖ

Улуғ ғамхўрликка жавобан

Соат 4 бўлиши блан Тошкентдаги 1-нчи босмахонанинг муқова цехига ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимлар йиғилабошладилар. Тез орада 600 га яқин киши йиғилган цех катта тантанали маросимни, кутаётган гавжум залга айланди. Бу ерда муқовачилар, харф теручилар, стереотипчилар, метранпажлар, печатниклар йиғилдилар. Ҳамманинг юзида қувонч. Ба'зилар уч-тўртта бўлиб олишиб, КПСС XX с'ездининг материаллари ҳақида суҳбатлашмоқдалар. Кексалар ҳам суҳбатга аралашадилар. «Болам, Хрушчев кексалар ҳақида нима депти?» деб сўрайди бир чол ёшгина қиздан. Қиз партия с'ездининг пенсия ишларини тартибга келтириш, кексаларга ғамхўрликни янада кўпайтириш ҳақидаги масалани ўртага қўйганлигини айтади. Ишчилар иш соатини камайтириш ҳақидаги гапларни зўр қониқиш ва мамнуниятлан тинглайдилар. Кекса ишчи яна гапга аралашиб, «Доимо халқ ғамини еган партиямизнинг саховатига қойилман. Болаларим, бу ғамхўрликка яраша ғайратларингга ғайрат қўшиб ишланглар!» дейди.

Ҳамманинг фикри-ёди с'езд материалларида, юраги Москвада, Кремльда. Мана ҳозир улар КПСС XX с'ездига бағишланган митинг бошланишини кутяпдилар. Босмахона директори ўртоқ С. Т. Адайкин минбарга чиқади ва қисқача кириш нутқи блан митингни очади.

— Шу кунларда улуғ пойтахтимизда Ватанимизнинг энг яхши ўғил-қизлари жонажон Коммунистик партиямизнинг XX с'ездига тўпланиб, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада яхшилаш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятимизни тобора ривожлантириш масалаларини муваффақият блан ҳал қилаётирлар, — деди у.—Босмахона коллективи партиямиз с'ездига катта ғалабалар блан келди. С'езд шарафига бошланган социалистик мусобақага қатнашган коллективимиз январь ойи планини ортиғи блан бажарди.

Сўз печать цехининг ишчиси Екатерина Баришниковага берилади.

— Цехимиз коллективи с'езд кунларида айниқса зўр ғайрат ва кўтаринки руҳ блан меҳнат қилаётир. Биз с'езд шарафига февраль ойи планини 23 февраль куни бажаришдек шарафли мажбуриятни олган эдик. Ҳозир ойлик планимизни 80 процентдан ошириб бажардик. Биз ой охиригача пландан ташқари 500 минг лист оттиск материал бериш учун астойдил ҳаракат қилаётирмиз. Ишчилардан Зокиров, Воҳидов, Юнусов, Душакова, Исҳоқова ва бошқа ўртоқлар ўз нормаларини доимо ошириб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлаётирлар.

Ўртоқ Баришникова сўзининг охирида ўз цехи номидан муқовалаш-брошюралаш цехи коллективини социалистик мусобақага чақиради.

Ҳарф териш цехининг ишчиси Р. Маллаева: — ҳарф териш сифатини юксак даражага кўтариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, корректура сифатини яхшилаш учун бутун вужудим блан курашаман. Бу менинг жонажон партиямизнинг биз ишчилар ҳақида қилаётган ғамхўрлигига жавобим бўлади, — дейди.

Митинг қатнашчилари кекса полиграфист, коммунист Акбар Шоумаровни самимий кутиб оладилар. Кекса коммунист: «Партиямиз XX с'ездининг материаллари бизни стереотип қуйилмаларининг сифатини янада яхшилаб, бошқа цехларнинг ишини енгиллаштириш йўлида хормай-толмай ишлашга илҳомлантиради», дейди.

Митинг қатнашчилари босмахона коллективи номидан ўз зиммаларига ошириллган мажбуриятларни қабул қилдилар. Улар йиллик планни 25 декабрьгача бажариш, меҳнат унумдорлигини белгиланганига қараганда 3 процент ошириш, 1 июльгача 39 номдаги 2 миллион 370 минг нусха дарсликни тайёрлаб, «Узбекнижтор» магазинларига юборишга аҳд қилдилар.

Митингдан сўнг цехларда янада иш қизиб кетди. Ҳамманинг ҳаракатида, кўзларида зўр ғайрат, қувонч, мамнуниятлан барқ уриб турар эди.

М. ЯҲ'ЁЕВ.

ТУЗАТИШ

«Тошкент ҳақиқати»нинг 17 февраль сонида босилган ўртоқ А. И. Кириченко нутқининг 2-нчи устун пастдан 8-нчи йўлидаги «процент» сўзи «марта» деб ўқилсин.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 00653. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1378.